



«Сано лил холики габрову афлок»,  
Яратди катраедин гавхари пок.

Самовот уйини тутди муаллак,  
Жахона хукмини кўрсатди мутлак.

Килиб габро мадорин зиммаи хут,  
Бани Одамга андин кисм этар кут.

Паидид этди жахон ичра фавосил,  
Килур хар фасл турлук нашъа хосил.

Ажаб сунъу, ажаб ахломи тақдир,  
Килур бир курсдин олам кўзин сер.

Ирода килса ул Хаййу тавоно,  
Килур бир лахзада билмасни доно.

Сафий туфрогин этгач, жон ила жисм,  
Нечук ки айлади донойи хар исм.

Халос этса бировни Раббуд —афлок,  
Колур тог остида, андин чикар пок.

Нечукки тутди тўфон дашту тоги,  
Ва лекин бўлмади хўл Нух оёги.

Халиллулох учун ёндирдилар нор,  
Кадам кўймай ўшал ўт бўлди гулзор.

Газаб ел одиларни килди нобуд,  
Эди ул ел насийми тобеи Худ.

Балик корнида бир сохиб каромат,  
Чила ўлтирди —ю, чикти саломат.

Агар амр этса кимни Форикул —фарк,  
Келур бир лахзада гарб устидин шарк.

Нечукким дўстини Султони кавнайн,

Етурди соатеда коба кавсайн.

Агар хар кимга берса иззу имдод,  
Келур хизматга жинну одамизод.

Сулаймонким эгурди инсу жиндин,  
Анинг фармони эрди бир нигиндин.

Гараз кудрат намолиг айлади фош,  
Ва гар на кадри эрди бир дирам тош.

Калим илгидаги кутлуг асое,  
Гахе кўфрук эди, гах аждахое.

Гараз кудратнамолиг эрди, эй дўст,  
Ва гар на эрди бир кад чўби бепўст.

Агар амр айласа, кавнайн барпой,  
Бўлур бир пистанинг пўчогина жой.

Дедилар, хазрати Рухул — аминни,  
Канот ёзса, тутар рўйи заминни.

Анингдек Жаброиле сидра парвоз,  
Мухаммад енгида айтур эди роз.

Агар килса бировнинг хаклигин фош,  
Шаходат бергуси гахворада ёш.

Азиз этса каю кулни ўшал шох,  
Агар чох остида колса топар жох.

Сулаймон хизматида килди парвоз,  
Хисобин билмаган шохину шахбоз.

Вале бир муштипар худхуд эди пайк,  
Деди султонига: «Орийу лаббайк».

Мадад килса Худое оламорой,  
Хабиб этса ишорат, айрилур ой.

Кишининг рўзисин гар килмаса кам,  
Етар хар ерда мехнат килмаса хам.

Калимин чехрасин килмас учун зард,  
Чикорди лахзада Нил остидин гард.

Нечукким хазрати Солих учун фош,  
Болалиг тева тугди хукмидин тош.

Юборди рўзе Маряма малакдин,  
Масийха моида тушди фалакдин.

Азалда хар кишини айласа саъд,  
Халил ўглидек этса содикул—ваъд.

Агар забх этсалар, кайтармагай кош,  
Кўрунмас бош анинг олдида бир мош.

Кима берса жахолат хамридин жом,  
Бешишт олдида келса, босмагай гом.

Етар рахмат суви кўк кавкабина,  
Етушмас катрае гумрох лабина.

Кўрунг Бу Толиб ила Бу Лахабни,  
Улуг дарё лабинда хушк лабни.

Агарчи ўт била сувда бўлур фарк,  
Чикорди сув маконидин нечук барк?

Агар чандики шамъ ўтдин бўлур жамъ,  
Каро сувдин килур кўз нуриддек шамъ.

Каю бир кудратин килмок керак ёд,  
Эрур косир укули одамизод.

### **Хазрат Расулulloх соллalloху алайхи васаллам сифатларининг баёни**

Дуруди беадад ходийи динга,  
Расули «рахматан лилоламин»га.

Худонинг дўсти мухторул—курайши,  
Мудом уммат учун талх эрди айши.

Эмас мавжуд анингдек гавхари пок,  
Далил улдурки кийди тожи «лавлок».

Ўшал шоханшахиким шамъи диндур,  
Анинг парвонаси Рухул—Аминдур.

Деди Маъбуд анинг отин «Мухаммад»  
Макоматига харгиз етмади хад.

Тушурмай ер юзига соясини,  
Етурди Арш уйига поясини.

Кадам боскон манозил эрди пур атр,  
Сахобул—абйаз эрди бошида чатр.

Жамоли неъматини матлуби кавнайн,  
Камолидин муяссар «коба кавсайн».

Шарофат мундин ўтмас — суннату фарз  
Юруса то хуружи Доббатул —арз.

Хама диндин бўлубдур дини боло,  
Гувохи хазратини Вожиб Таоло.

Анинг авсофини йўқ интихосини,  
Нагу, етмас деса васфини Худосини.

Худонинг раҳмати бўлсун дамодам  
Анинг авлодига, асхобига хам.

Китоб таълифининг сабабини баёни

Ўзилди форсий тил бирла мактуб,  
Акийдоту фуруъ курбини махбуб.

Аниким кўрдилар туркий ёронлар,  
Дедилар: «Гар дуо килса эранлар.

Битилса турки тил бирла акийда,  
Кўнгуллар бўлса андин орамийда».

Тамаллук килдилар чун бир неча ёр,  
Калам тортай, Худо бўлсун мададкор.

Ва лекин айлаини сўзларини ижмол,  
Манга йўқтур муфассал килгали хол.

Мане бечора, чунки омидурман,  
Гирифтори маломат домидурман.

Эрурман бандаларнинг сарнигуни,  
Тўлай ёру биродарлар забунини.

Агар чандики бўлсам магзини йўқ пўст,  
Ишорат килдилар, чун бир неча дўст.

Аларнинг сўзларин бузмай мане зор,  
Савод эттим неча манзума ночор.

Акийда сўзларини килдим исбот,  
Анга кўйдим «Саботул—ожизин» от.

Ўзимдек хасталар бўлгайму деб шод,  
Насойихдин ҳам андак айладим ёд.

Насихат тингламас дил сахти махжуб,  
Кўкармас тоша ёмгур ёгса ҳам кўш

Оллох таолони танимок баёни

Недур куллуқ ани муштоки бўлмок,  
Ўзидин фони Хакга боки бўлмок.

Тонимок Тангрини тонмок хаводин,  
Кейин турмок фиоли нораводин.

Бўйинсунмок, югурмок «кил!» демишда,  
Казога рози бўлмок барча ишда.

Умид этмак ўшал кудратли Шохдин,  
Ёнардин хавф этиб, ёнмок гунохдин.

Якин билмак, жамоат эътикодин,  
Кейин солмок мухолиф ижтиходин.

Акийда билматан шайтона элдур,  
Агар минг йил амал деб килса, елдур.

Уёлма маърифатни ўрганурдин,  
Танур жойинг бўлур, колсанг танурдин.

Уёлмасдур талаб амрини олгон,  
Колур яхши уй олгандин уялгон.

Оллох таолонинг бирлиги баёни

Худовандики бирдур бешаку райб,  
Раво эрмас анга ўрток ила айб.

Анинг фармонидин хеч ким кутулмас,  
Тавонодур хамиша, ўзга бўлмас.

Эрур ул барча оламнинг Худоси,  
Анинг иўк ибтидоси, интихоси.

Эрур хозир хамиша, йўк макони,  
Анга килгон эмас сабкат замони.

Ўзи бешубхадир хам бенамуна,  
Раво эрмас анга чуну чигуна.

Кўнгилга кечса, кўзга тушса хар шай,  
Эрур андин муназзах Холику Хай.

Удур хоким ки хукмин ўзга этмас,  
Анинг зотига хеч ким акли етмас.

Фаришталар, набилар етмадилар,  
Бўйинсундилару фикр етмадилар.

Вале фикр эт, Худонинг кудратига,  
Ажойиб ишларига, санъатига.

Оллох таолонинг сифатлари баёни

Субутидур анинг саккиз сифоти  
Сифат зоти эмас, на гайри зоти.

Хаёту, илму, кудрат хам басар, самъ,  
Иродаву, калом, таквиндур, эй шамъ.

Хаёт улким тирикдур, ўзга бўлмас,  
Ўлар хар зи нафс, харгиз Ул ўлмас.

Ўзини зотидин хайдур ўшал шах,  
Ва лекин жисм ила жондин муназзах.

Керакмасдур Худога хеч каю шай,  
Ганидур барча оламдин ўшал Хай.

Эмас мухтож хеч ишга Хак Таоло,  
Юбормагил кўнгилни шайбу боло.

Агар мунда юборурсан кўнгилни,  
Солур шайтон кўнгилга ўзга йўлни.

Сифотининг биридур илм, ёро,  
Эрур донойи гайбу ошкоро.

Халойикдин кичикдур ё улугдур,  
Бўлибдур хар на иш ё бўлгулугдур.

Турушдур ё юрушдур хайру шардин,  
На ким, тегса анга нафъу зарардин.

Кўнгилга кечса кайси холи пеша,  
Эмас пўшида илмидин хамиша.

Билур хар кимда бўлса маърифатдин,  
Бири кудрат эрур саккиз сифатдин.

Нафслик ё нафссиз, буду нобуд,  
Не ким икки жахонда бўлса мавжуд.

Зарардур, нафъдур ё хайр, шардур,  
Якин билгил, казо бирла кадардур.

Халойикнинг жамиъи феълу кавли  
Эмас бир зарра бетакдири Мавли.

Ирода айлагач, Халлоки олам  
Хар ишни «бўл!» деди, бўлди ўшал дам.

На этса эрки бору, кудрати бор,  
«Кўли бирла яратди» дема зинхор.

Тилингни сакла мундог кавли баддин,  
Худовандим муназзахдур жасаддин.

Каломи хакдаким «яд» айлади ёд  
Анинг бир васфидур, эй одамизод.

Аимма билди Куръон маънисин туз,  
Кўнгилни кўймагил, сан хар каю юз!

Басар хам самъ анинг васфи било шак,  
Басар маъниси — кўрмак, самъ —эшитмак.

Не ким мавжуд эрур дунёву дунда,  
Фалакдин юкори, зери заминда.

Эшитмак, кўрмаги бешубхаву райб,  
Эрур бирдек хамиша зохиру гайб.

Эшитмак, кўрмагидур кудратидан,

Кулокдин, кўздин эрмас, билгил, эй тан.

Кулок, кўз бандага хожат эрур, бас  
Худо хеч кайсининг мухтожи эрмас.

Тирилсанг охиратда, эй харидор  
Худойим кўрсатур дўстларга дийдор.

Вале кўрмакни бечуну чунон бил,  
Жихатсиз бил, мислсиз, бемакон бил.

Ўшалким билдирур бешаклигини,  
Билур ул яхши кўрсатмаклигини.

Билур хар одамийнинг бўлса эси,  
Калом эрмиш сифотининг бириси.

Каломи ходис эрмасдур, кадим бил,  
Ани айгон сўзи бекому бетил.

Халойик сўзламас бекому тилсиз,  
Худо мухтож эмас, хеч ишга харгиз.

Битилса ё ўкилса, олса эл ёд,  
Булар ходис эрур, эй одамизод.

Худойимни каломин яхши бил боз,  
Сўзини зотида йўк харфу овоз.

На ким махлукида бор эрса, эй шах,  
Худовандим эрур андин муназзах.

Сифотининг бирисидур ирода,  
Муни билган киши етган мурода.

Кадалса бир тикан ё тушса бир кил,  
Иродасиз эмас хеч иш, якин бил.

Агар мўре кўяр ер устига по,  
Ва гар бир заррача кум бўлса бежо.

Булардин ё кичикдур ё зиёда,  
Эмасдур хеч нимарса беирода.

Сифотининг бирин таквин демишлар,  
Худодин халка рўзи барча ишлар.



Яратди ким нечук сизнию бизни,  
Таки халк этди бизни феълимизни.

Агар чандики кўимас эркимизга,  
Берибдур ихтиёри жузъи бизга.

Муносиб иш эрур ё номуносиб,  
Ани килмокга банда бўлди косиб.

Ўшанча ихтиёри жузъидин боз,  
Топар банда жазо кўп килса ё оз.

На ким ризкеки бўлса шайбу боло  
Яратибдур ани Вожиб Таоло.

Харомидин ва ле манъ этди бизни,  
Берибдур ихтиёри жузъимизни.

Худо рози эмас исёнимизга,  
Ризосидур анинг эхсонимизга.

Киши рози, деса— исён килурга,  
Аимма хукмидур кофир бўлурга.

Худо зулм этмади ҳеч бандаларга,  
Вале туз иўлни кўрсатди аларга.

Ўшал халкики туз йўлдин тоярлар,  
Алар ўз жонларига зулм этарлар.

Азоб этса бу олам ё у олам,  
Эрур бул адл, эй фарзанди одам.

Нафссиз халк эрур ё зи нафсдур,  
Анинг ўз мулкидур ҳеч зулм эмасдур.

Агар афв айласа, ўз фазлидур ул,  
Будур сидкингу ихлосинг, будур йўл.

Етар биз омиларга бунча билсак,  
Тутуб махкам бўиинсунсак, эгилсак.

Жамоат ахли суннат тузган эрлар  
Дедилар: «Турфа нозикдур бу йўллар».

Улуг йўлни кўииб ўлгунча, эй ёр,

Кадам кўйма, тояр ерларга зинхор.

### **Иймоннинг баёни**

Худодин хар на келса, рост билдинг,  
Тилинг бирла яна икрор килдинг.

Муслмонлиг йўлида булдир иймон,  
Муни билмас киши Тонгла пушаймон.

Якин билгилки, иймон бўлмагай кам,  
Эрур бирдек, зиёда бўлмагай хам.

Бу сўздур ахли суннатни тарики,  
Жадал этди бу сўзда хар фарики.

Бўлур аммо амал зойиду нуксон,  
Топар яхши амалдин ужра инсон.

Амал айланг ва лекин аймогайсиз:  
«Амалдин дохили жаннат бўлурмиз».

Ани амрин дилу жонинг била ол,  
Амал кил хам Ўзининг фазлина сол.

Насиб этса бихишт Ўз фазлидин бил,  
Амалга иттико килмай амал кил.

Гараз улким, амалга бўлма магрур,  
Амал килгил, амалга банда маъмур.

Амал килмокдин аҳди истифода  
Дедилар: «Нури иймондур зиёда».

Ва гар на бўлмас иймон зойиду кам,  
Акида булдур, эй фарзанди одам.

Амалнинг нафъи хам иймон биландур,  
Качон ёлгуз амал килгон биландур.

Наъувзу биллах, иймонсиз кишини  
Кабул этмас Худойим хеч ишини.

Агарчи яхшилар аъмолин этса,  
Тасаддук ер юзини молин этса.

Риезат бирла бўлса эртаю кеч  
Ўшалким сидки иўктур - килгани хеч.

Бўлур дўзах ани охир макони,  
Кутулмас харгиз андин жисму жони.

Агар иймон насиб этса кишига,  
Берур узра ани хўб килмишига.

Агар чанди кабоир килса беҳад  
Тамугда колмас иймонлиг муаббад.

Илохи, осиймиз, бечорадурмиз,  
Хавойи нафс ила оворадурмиз.

Кўнокмиз бир кеча дунёйи хеча,  
На ишлар кечадур биздин бу кеча?!

Бу тунда тут бутун иймонимизни,  
Сабох куткор тутундин жонимизни.

Кўнгил сандукина бир бебадал дур  
Ўзинг рост айлагил, ё Кошифаз —Зур.

Ўшал дур касдина шайтони бадбахт  
Тушубдур кўп хавохохи билан сахт.

Агар бўлсанг мани холимга хомий,  
Тўзар кулдек адувларни тамоми.

Агар Сен сакласанг раҳмат йўлидин,  
Адув кул келса, на келгай кўлидин.

Яна иймонда айди ахли таҳкик:  
«Худодиндур хидоят бирла тавфик».

Худонинг феъли ул махлук эмасдур,  
Киши харгиз ани махлук демасдур.

Дедилар маърифат бирла ул икром  
Ўшалким бандасини феълида бор.

Нечукким бандани халк этти Мавли,  
Таки махлук эрур феъли ва кавли.

Эрур бир маънида иймону ислом,

Буни билса керак, хар хосу хар ом.

Аимма кавлини берк ушла зинхор,  
Жадални нафъи йўк бўлса, на даркор.

### **Фаришталарнинг баёни**

Малоикким эрурлар олами гайб,  
Хама Хак бандасидур бешаку райб.

Алар фориғ эрур ичмак — емакдин,  
Ёмон килмок, кабохат сўз демакдин.

Нисо эрмас аларнинг васфи, эр хам  
Би ло шакват яратги Шохи олам.

Алар барча Худонинг тоатида,  
Эмас гофил алар хеч соатида.

Агарчи барчаси тоат сиришта,  
Муқарраб баъзидин баъзи фаришта.

Мукулмонлар ўкур Куръонки холо,  
Эрур барча каломи Хак Таоло.

Таки Пайгамбаримиздин бурун, бил,  
Худовандим кутубки килди нозил.

Юборди хар каю пайгамбарига,  
Ки иймон келтирибдурмиз барига.

Бариси Хак Таолонинг каломи,  
Муни билса керак, хар хосу омий.

Каломи васфидур, эй одамизод,  
Килиб эрдим сифоти бобида ёд.

### **Пайгамбарларга иймон келтириш баёни**

Санову хамд кудратлиг Худога,  
Ки иймон келтирубмиз анбиёга.

Аларнинг аввали ким Одам эрди,  
Мухаммад барчасига хотам эрди.

Бариси Тангрини суйган кулидир,

Бариси жаннати ризвон гулидур.

Худонинг хукмини хар феълу сўзга,  
Набилар килмади бир зарра ўзга.

Етушмас ҳеч валилар жоларига,  
Етушмас балки хоки поларига.

Алардур зурриёти Одами хок,  
Гунаҳдин анбиёни барчаси пок.

Алардин баъзи ишки килдилар накл,  
Килур таъвилини Нўъмони боакл.

Ул иш касдан эмасдур анбиёдин,  
Аларга лагзиши подур хатодин.

Алар касд ила харгиз килмадилар,  
Буюргон амридин айрилмадилар.

Бари дарёйи раҳматда эди гарк,  
Расул ила Набида бўлди бир фарк.

Бариси Тангридин тобти хитоб ул,  
Набига шарт эмас, аммо китоб ул.

Расулига эрур шарт, э неку ном  
Вале бўлди барига ваҳйу илхом.

Набидур хар Расул англагувчи бўл,  
Ва лекин хар Наби эрмас Расул ул.

Дедилар пораи мўмин болоси:  
«Эрур бир маънида хар иккаласи».

Салаф ким айлади лутфу иноят,  
Деди: «Аввалгиси машхур ривоят».

Башар пайгамбарин Султони аъдал,  
Малак пайгамбаридин килди афзал.

Бу сўздур мазхаби суннат жамоат,  
Алар хар не деди, килгил итоат.

Дедилар: оммаи фарзанди одам,  
Малакнинг оммасидин фазли кўп хам.

Китоби «Кофий»ким пур босафодур,  
Деди: «Омма бу ерда аткиёдур».

Башарда вар на чандон беамалдур,  
Бахойимдек эрур, бал хам азаллдур.

Паямбарнинг бори одилу аъдал,  
Ва лекин баъзисидин баъзи афзал.

Савобу рутбада афзал эрур хол,  
Мусовийдур нубувват бирла ирсол.

Барининг меhtarини Мустафодур,  
Хабиби Хак, нигини анбиёдур.

### **Расулуллохнинг меърожлари баёнида**

Мухаммадким эрур афзали асдак,  
Эрур бешак шаби меърожи бархак.

Харамдин масжиди Аксога ногох,  
Олиб борганидур оятда огох.

Хам Аксодин самога борди ул нур,  
Бу сўзнинг сидкига ахбор машхур.

Самодин юкори хар кайси жога,  
Иноят айлади ул бо сахога.

Барига сидкимиз, икроримиз бор,  
Эмас хеч кайси иш Тангрига душвор.

Макоми сидраву нажму малакни,  
Бихишту Аршу Курси, нўх фалакни.

Агар бир кечада кўрсатса, не кам,  
Ва гар бир дамда кўрсатса, не шак хам.

Нечук хукм айласа, кодир Худодир,  
Чарову чун демак, кулдин хатодур.

Якин билгил, анинг меърожин, эй ёр,  
Тани бирлан эди, хам эрди бедор.

Хабибин хар нечук килса сарафроз,  
Худони рахмати кўпдур, эмас оз.

## Сахобайи киром баёни

Сахобаи набидур барчаси хак,  
Ёмон йўлда эмас, ҳеч кайси мутлак.

Эрур хар кайсиси нажми хидоят,  
Худо халк ўглига килгон иноят.

Бихиштийдур алардин катъи ўн ёр,  
Башорат берди ул Султони аброр.

Абу Бакру Умардур сўнгра Усмон Алидур,  
Толхадур хам Абдурахмон.

Зубайру, Бу Убайда бўлди ахбор,  
Саъиду, Саъддур айгон бу ўн ёр.

Мухаммадким эди ходийи олам,  
Башорат берди уч фарзандига хам.

Бириси Фотимадур хам хатира,  
Хасан бирла Хусайн икки набира.

Набилар сўнгидин билгил, батахкик,  
Ки инсон афзали — Бу Бакр Сиддик.

Ки андин сўнг Умардур сўнгра Усмон,  
Ки андин сўнг Али бешубха, эй жон.

Эрур бу тўрти умматнинг нигини,  
Шафоатхохимизнинг жонишини.

Расул айди: «Ўгурсам дунёдин юз,  
Хилофат бўлгай ўттуз йилгача туз».

Ул ўпуз йилда шох эрди у тўрт эр,  
Алар вақтида бўстон эрди хар ер.

Алардин сўнгра ҳеч олиму одил  
Кила олмас алардек адли комил.

Ўшал тўрт эрга Ахмад ёри эрди,  
Бихишти маърифат гулзори эрди.

Расулуллох тарикин эртаю кеч,  
Сари мўии тахаллуф килмади ҳеч.

Нечук бўлсун хилоф ул чори саъда,  
Паямбар килди ўттуз йилга ваъда.

Аларнинг васфини ҳеч сони йўқтур,  
Тамом айтай десам, имкони йўқтур.

Сахобанинг бари ҳам пок диндур,  
Бариси рахнамои рохи диндур.

Киши бўлса Набининг суҳбатида,  
Гумон йўқтур аларнинг қурбатида.

Алардин сўнгра ҳеч ким жоларига,  
Етушмас балки хоки поларига.

Сахоба баъзиси ким Муртазога,  
Тахаллуф айлади ул босафога.  
Савоб эрди ул эрларни муроди,  
Хато бўлди баногоҳ ижтиходи.

Хато килгон билан ёзди демасмиз,  
Жамоат ахлидин озди демасмиз.

Аимма — ахли суннат ким эдилар:  
«Хатойи мужтахид маъфу» дедилар.

Хатога балки тобтилар савобе,  
Бу сўздур ахли суннатнинг жавоби.

Битибдур «Мажмаъ ул—ашё» да, эй шамъ,  
Хатодин балки кайтиб эрди ул жамъ.

### **Имомат баёни**

Имомат шарт бўлди хар диёра,  
Худуди шаръ, то тургай қарора.

Юрутгай, то шариатнинг киёмин,  
Таки қилгай ёмонлар эхтимомин.

Агар чанди ки султон бўлса фосик,  
Буурса иш шариатга мувофик.

Килурмиз жону дил бирла итоат,  
Узи бўлса агарчи беканоат.



Эмасдур шарт, имом ул бўлса маъсум,  
Килибдур шарт, аммо шиъайи шум.

Мусулмон, окилу болиг, эр инсон —  
Имомат шарти бўлди, эй мусулмон.

Раводур иктидо фожирга килсанг,  
Хадиси Мустафодур, яхши билсанг.

Ўқусанг яхшиларни кейнида лек,  
Савоби беададдур, хислати нек.

Билурмиз барча масхи мўзани хак,  
Нечукким килди таъйин шохи асдак.

### **Каромати авлиё баёни**

Эрур бархак каромат авлиёдин,  
Иноятдур валийларга Худодин.

Каромат хорики одат эрур исм,  
Бўлубдур хорики одат неча кисм.

Набидин хорики одатни таъйин,  
Дедилар: мўъжиза, э толиби дин.

Нубувватдин бурунни дерлар ирхос,  
Муни билсанг керакдур, аййуханнос

Агар солих кишидин бўлса хар гох,  
Кароматдин бўлур бешакку ашбох.

Кўрунса бу авом мўмин ишидин,  
Маунатдур ўшал айгон кишидин.

Агар кўрсатса мундог кофир инсон,  
Ул истидрож эрур монанди шайтон.

Ва ле ул орифи биллох бўлса,  
Ёмон ишдин кўли кўтох бўлса.

Авомирни хамиша килда ул кул,  
Таки «килма» деганни килмаса ул.

Яраткон Тангрини кўркунчидин нез,  
Каю шубха дегондин килса пархез.

Таки лаззат билан шахватга, эй ёр,  
Фуру хам кетмаса ул яхши кирдор.

Бу таърифлар кишига бўлса содик,  
Валийдур ул акоидга мувофик.

Шариатсиз киши учса хавога,  
Кўнгил кўйманг анингдек худнамога.

Хавога учса монанди чибиндур,  
Ани ходий дема шайтони диндур.

Шариатсиз киши гар ютса ўтни,  
Хаво ўртасида минса булутни.

Качон топгон эрур курбат идини,  
Валий билманг таки андог кадини.

Бўлубдур мундог ишлар кофирийдин,  
Нечукким бўлди сеҳри Сомирийдин.

Эшитгил бул, ки Фиръавн амридин Нил,  
Куйидин юкорига окди бекийл.

Муни билгилки Хиндустонда холо,  
Учарлар кофири санноси боло.

Шариат хукмин этмай истикомат,  
Таажжуб ишлари бўлмас каромат.

Шариатни киши ким тутса хўб пос,  
Каромат мундин ўтмас, аййуханнос.

Хилофи нафсу истикмоли тоат,  
Бўлурми андин ортик харки одат.

Киши деса валийни гайбдондур,  
Наъувзу биллах, ул сўз кўп ёмондур.

Наби хам билмагай ушбу равишдин,  
Магар билдирса Тангрим баъзи ишдин.

Худонинг хоссасидур илми гайби,  
Бу сўзнинг бўлмагай бир зарра райби.

Якин бил, гайб ишидин фолбинлар,

Хабар берса агар ё ахли жинлар.

Киши чин деса ул ботил сўзини,  
Бўлиб кофир, каро килгай юзини.

Наъувзу биллах, андог мўътакаддин,  
Худойим саклагай бу раъйи баддин.

Якин билгил ки баъзи номусулмон,  
Демиш: «Вактики курбат тобса инсон,

Кўтарур Хак шариат хукмин андин!»  
Бўлур юзи каро мундог дегандин.

Бу ботил сўз эрур кавли малохид,  
Шариатта эрур ул фирка жохид.

Шариатга киши ким бўлса мункир,  
Гумон йўқдур, бўлур албатта кофир.

Киши бўлмас муқарраб анбиёдин,  
Алар безор эрур ужбу риёдин.

Кугарилмади ўлгунча алардин,  
Худо харгиз кўтармас ўзгалардин.

### **Хикоят**

Мухаммадким мухаббат кони эрди,  
Хабиби Хак, расул султони эрди.

Кетар вақтида андог бўлди холи,  
Вузу айларга йўк эрди мажоли.

Эшитти чун азоне бобашорат,  
Деди: «Ё Оиша, килдир тахорат».

Тахоратдин сўнг ул шохи улул—азм,  
Жамоатга борурга айлади жазм.

Кадам босмай туриб, кетти ўзидин,  
Арак сайлон эди гулдек юзидин.

Ўзига келди боз этди тахорат,  
Яна кўптики то топкай жамоат.

Кадам босмай туриб ул сохиби роз,  
Ўзидин кетти дармон йўкидин боз.

Анингдек Мустафо кўркунчидин ул,  
Вузу килди ўзидин кетди уч йўл.

Нафас чиккунча, то кутлуг танидин,  
Хилоф этмади бир кил айгонидин.

Суюклик бандаси, то бўлса махрам,  
Бўлур кўркунчи ортук, ишрати кам.

Агарчи анбиё бешак омондур,  
Муборак диллари хавф ила кондур.

Вале уммат агар гавси замондур,  
Эсон кетмоги охир даргумондур.

Агар олам ёруса сан сабабдин,  
Куёшдек титра доим хавфи Рабдин.

Керак олий кадамни хавфи кўпрог,  
Бийик ердин йикилгон колмагай сог.

Улуг тутмас кичикдек мазхабин кенг,  
Тева тоймоги эрмас кўй била тенг.

Таваххумлик бўлур афъоли хўбнинг,  
Сафарда хавфи кўброг моли кўбнинг.

Таваххумдин йирог гафлатли банда,  
Кетар гусса билан гам ухлагонда.

### **Ажал баёни**

Ажал албатта бирдур, ўзга бўлмас,  
Ўлар хар зи нафс харгиз Ул ўлмас.

Каю кулга ажалнинг вакти етса,  
Кутулмас хар неча ким хийла этса.

Кейин колмас ажал, эй ибни Одам,  
Етушса соате ё илгари хам.

Кишининг илгида хам ўлса хар жон,  
Ажал бирла ўлубдур ушбу инсон.

Каю боис билан хар жон ўлубдур,  
Ажалдиндур, казо мундог бўлибдур.

### **Азоби кабрнинг баёни**

Азоби кабр кофирларгадур чин,  
Кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин.

Битик кўп нусхаи машхур ичинда,  
Келур ики фаришта гўр ичинда.

Сўрар: «Кимдур Худо бирла расулинг,  
Надур дерлар, яна динингу йўлинг?»

Агар кирса фаришталар газабдин,  
Чикар ўт бурнидин, огзу лабидин.

Агар хайбат билан килса назора,  
Бўлур гамгин кўнгуллар пора — пора.

Дегай: «Э одамий, булдур санга жой!»  
Жавобин бермасанг, «вой» устига «вой».

Урарлар гурзи билан ул ики ёр,  
Эшитур инсу жиндин ўзга жондор.

Аларнинг зарбига тоб этмагай тог,  
Нечук токат килур, бир мушт туффрог.

Тўлар дўзах соридин кабр ичи дуд,  
Пушаймон анда харгиз килмагай суд.

Иноят айласа, донойи асрор,  
Кирар гўрга мулойим ул ики ёр.

Дегайлар кирсалар: «хавф этма мандин»  
Сўрарлар меҳрибонлик бирла андин.

Агар берсанг жавобе босавобе,  
Очар жаннатдин ул манзилга бобе.

Коронгу гўр бўлур андок фарахнок,  
Жахоннинг шавки ёдиндин чикар пок.

Кўнгилда гусса колмас бир чигитдек,  
Ётурсан янги уйланган йигитдек.

Ки мундин сўнграги неъматларини,  
Худодин ўзга ким билгай барини.

### **Муножот**

Илохо, бандаман, бечорадурман,  
Хавойи нафс ила оворадурман.

Эрурман барча нуксонимга иқрор,  
Мусулмон ўгли килмас ишларим бор.

Эрурман бандаларни сарнигуни,  
Тўлай ёру биродарлар забуни.

Манингдек осий бўлгайму жахонда,  
Гунохим зохирирдан кўп нихонда.

Нетай, чун айна аклим беэиёдур,  
Амал ҳам йўк, агар килсам риёдур.

Агарчи ман ёмон кул пой то фарк,  
Бўлибман маъсият дарёсига гарк.

Вале содик эрурман бирлигингга,  
Таёнибман Сани гофирлигингга.

Лахадга кирса бу ёлгуз гариб бош,  
Ўгурса юз хама кавму кариндош.

Тахайур бўлса жони гам .сиришта,  
Етушса сўрголи ики фаришта.

Сан осон этмасанг андог саволи,  
Нечук кечгай гариб бандангни холи?

Деса: «ман роббук» ики абди даргох,  
Тилимга жорий килгил: «Раббим —Оллох!

Агарчи осийдур, ё Раб, бу банда,  
Ўзинг бандам дегил, «Раббим» деганда.

Агар сен килмасанг, куллуқ отин жуд,  
Манинг «кулман» деганимдан нечук суд?

Илохо, лутф кил, мунда ва анда,  
Мани банда этиб, беркит бу банда.

Агар чанди ки гўрсиз ўлса инсон,  
Сўролур, албатта, бешакку нуксон.

Агар дарёда ўлсун ё осилсун,  
Азоб этса, бани одам на билсун.

Даранда одам ўглин килса хўрок,  
Гумон йўқдур, сўрар корнида, эй пок.

Агар банда муъаззаб бўлса анда,  
Колур туймай бу ишни ул даранда.

Нечук килса эрур Кодиру Носир,  
Бу ерда бандасининг акли косир.

На ким айди Худойинг ё Паямбар,  
Ани махкам тутиб, фикр этма дигар.

### **Киёматнинг хаклиги баёни**

Киёмат хак эрур, эй одамизод,  
Худо Куръон ичинда килди кўп ёд.

Бўлур кудрат билан туфрогимиз тан,  
Кирар жон кайтадан бешубкаву зонн.

Танинг хар турли бўлгон бўлса бархам,  
Килур бурногидек Халлоки олам.

Худо хеч ерда йўқни айлади бор,  
Яратса кайтадан, эрмас бу душвор.

Удур хоким, нечук ким хукм килди,  
«Тирил!» дегач, хама олам тирилди.

Йигар махшар еринда барча жонни,  
Сўрар бандасидин яхши —ёмонни.

Хар ишни кўп килибдурсан ва ё оз,  
Хисобин хам тилар ул бандадин боз.

Худо хар бандасига килса осон,  
Жавобин бергуси банда ўшал он.

Агар каттик тутар банда хисобин,  
Ўзи билгай анга солгон азобин.

Билур гарчи жамиъи холимизни,  
Юборур номаи аъмолимизни.

Юборса номани рахмат йўлидин,  
Келур нома у кулнинг ўнг кўлидин.

Кизил юзлук бўлуб ул хам сарафроз,  
Суюнгандин килур ул банда овоз:

«Ўқунг номамни, эй тургон халойик,  
Келибдур нома ихлосимга лойик!»

Беҳишти олия бўлгай макони,  
Гарики рахмати Хак жисму жони.

Агар нома келур бўлса газабдин,  
Келур оркасидин ё дасти чапдин.

Каро юзлук бўлуб, шарманда ул кул,  
Тутарлар хам солурлар бўйнига гул.

Таки занжир этарлар гарданига,  
Тараххум бўлмагай ёлборганига.

Бўлур турлук машаккатлар хавола,  
Килурлар жониби дўзах кашола.

Илохо, кўркадурман хазратингдин,  
Умидим кўп эрур Гаффор отингдин.

Йигилгонда ёмону яхши банда,  
Кулингни килмагил шарманда анда.

Агар аъмолима солсам кўзумни,  
Сазовори алам дерман ўзумни.

Агар алтофинга боксам, Илохим,  
Умидим кўп, багишлангай гунохим.

Агар Сан ёпмасанг, эй Олими гайб,  
Бўлур тонгла муайян сони йўк айб.

Илохо, магфират мухтожидурман,  
Санинг кенг рахматингдан рожидурман.

Умидлар кўп эрар андог шарафдин,



Юборсанг номамизни ўнг тарафдин.

Хижоби афв ёпсанг айбимизга,  
Дури рахматни солсанг жайбимизга.

Илохо, кўркадурмиз жонимиздин,  
Юборма номани сўл ёнимиздин.

Умидлик бандадурмиз хам харосон,  
Хисобимизни ул кун килгил осон.

Талаттуф бирла сўргил коримизни,  
Каро килма у кун рухсоримизни.

Агарчи номуносибман, ёмонман,  
Ўзинг айдинг: «Кулимга меҳрибонман».

Агар чанди ки бўлсам зишту бадкор,  
Хабибинг умматиман, кул отим бор.

Тарозуйи Киёматни баёни

Тарозу хак эрур рўзи Киёмат,  
Анинг сидкига нозил бўлди оят.

Билур Тангри агарчи холимизни,  
Тарозуга солур аъмолимизни.

Килур огох кулин килмишларига,  
Етушмас акл Эгамнинг ишларига.

Тарозу бориға икроримиз бор,  
Нечук эркониға не коримиз бор.

Илохо, кил огир мезонимизни,  
Саломат тут, бизинг иймонимизни.

### **Сирот кўпруги баёни**

Жаханнам узра бир кўпрук эрур ох,  
Ўшал кўпрук Сирот отлиг гузаргох.

Киличдин тез эрур. килдин ингичка,  
Пушаймонлар ўшал кун тушкай ичка.

Ажаб хайрон бўлур фарзанли одам,

Кадам кўйса, анинг ости жаханнам.

Агар кайтай деса, кўймас муаккил,  
Бўлур фарзанди одам холи мушкил.

Муайян кўрсалар, халк ул табу тоб,  
Бўлур жон ваҳми бирла захралар об.

Юраклар кон бўлиб, кўзлар тўкар ёш,  
У манзилдин кутулгайму гариб бош?

Фигонлар кўпкай авлоди башардин,  
Ким ўгкай, ким йикилгай ул гузардин.

Иноят килса, баъзи одамизод,  
Ўтар авдин яшиндек, баъзи чун бод.

Ўтар баъзиси андин югрук отдек,  
Ўтар курбига лойик баъзи хар як.

Ўтар баъзи мусулмон тоя —тоя,  
Етар «Охир» деган ишратли жоя.

Кадам кўйса, йикилур баъзи инсон,  
Илохо, айлагил ул Қунни осон.

Агар ўткармасанг андин саломат,  
Кулинг расво бўлур рўзи Киёмат.

Билиб, тасдик этиб, бу кўп хатарни,  
Бу мискин кўимади исён этарни.

### **Муножот**

Илохо, бандани сохиб надам кил,  
Сироти шаръ уза собит кадам кил.

Хидоят пирига топшур кўлумни,  
Иноят кўйига кенг кил йўлумни.

Маъосий лойига тойдирма пойим,  
Беҳишти маърифатни айла жойим.

Агар чандики беҳаддур гунохим,  
Саломат кил хатарлардин, илохим.

Карамлик Подишохо, Кирдикоро,  
Рахимо, магфиратлик Биру боро.

Агарчи сони йўк исён килибмиз,  
Умид улки сани Вохид билибмиз.

Илохо, бирлигингни хурматидин,  
Саломат кил у кўпрук меҳнатидин.

### **Кавсар ховузининг баёни**

Киёматда Паямбар хавзидур ҳақ,  
Сифотин килди таъйин шохи асдақ.

Суйи ул хавзни сутдин зрур ок,  
Иси чун мушқдин ҳам эрди беҳрок.

Даме су ичса андин хар мусулмон,  
Якин бил, сувсамас харгиз ул инсон.

Худовандо, насиб эткайсан андин,  
Умиди кўп эрур бандангни Сандин.

### **Паигамбарлар шафоатларининг ҳақлиги ҳақида**

Худо изни билан ҳақдур шафоат,  
Килурлар анбиёву ахли тоат..

Шафоатким мусулмонларгадур суд,  
Ва лекин бўлмагай беизни Маъбуд.

Худо изн айласа, рўзи Киёмат,  
Суюклик бандаси айлар шафоат.

Киёмат кун ажаб шиддатли кундур  
Анинг катгиглиги хаддин фузундур.

У куннинг хайбатидин бешаку райб,  
Бўлур кўк пора —пора, тогу туз гайб.

Замин автоди барча кўхи сангин,  
Бўлур Ҳақ хашмидин чун пашми рангин.

Ўшал шиддатга ер-кўк килмаса тоб,  
Нечук токат килур бир катрайи об?!

Бўлур ҳам гам билан хурдони зебо.  
Далилим: «яжъа^ул вилдона шийбо»

Бўлур бир - бирга душман, дўст деганлар,  
Магар такво йўлида гам еганлар.

Хаво мисдек кизир, ер ҳам темирдек,  
Газаб килгон киши бўлгай кўмурдек.

Келур найза бўйи хуршиди тобон,  
Хижолат терига гарк ул биёбон.

Бўлур ўз холи бирлан одамизод,  
Келур кўнгулга килгон ишлари ёд.

Агар Хак ёпмаса, журм айлагон жой,  
Гувоклик бергуси, бил, даст ила пой.

Кабохатлик амаллар тушса кўзга,  
Иложин ким билур, Хазратдин ўзга.

Мухаммадким эрур Хакнинг хабиби,  
Маъосий дардининг козик табиби.

Белин химмат курига боглаб ул эр,  
Хама «нафсим» деса, ул «умматим» дер.

Хама ўз нафсига бўлса гирифтор,  
Мухаммад уммати мискин учун зор.

Агар бўлса эматургон бола гум,  
Топилгонда нечук жавлон килур ум.

Минг андог онадин кўброгу беҳрок,  
Мухаммаддур гариб уммат учун дог.

Окар дарё бўлур ул мухтарамдин,  
Шафоат шири пистони қарамдин.

Килур Хак изни бирлан хар тараф жўш,  
Насиб этган у дарёдин килур нўш.

Насиба этмаган фарзанди одам,  
Колур андог улуг ямдин курут фам.

Киши билмас Киёмат даштида, ох,

Бу кулларни дегайму «уммат» ул шох.

Агар «уммат» деса, хуш давлату бахт,  
Йўк эрса, осийларга иш бўлур сахт.

Агар «уммат» деса, нурун ало нур  
Йўк эрса, осийларга иш бўлур зўр.

Ўшал султонки доъиян илаллох,  
Гариб уммат учун дог эрди, валлох.

Бу умматлар ажаб зишт этди хрлин,  
Ёпар бидъат билан суннат жамолин.

Бахойимдек иши ичмак, емакдур,  
Курук тил бирла «умматмиз» демакдур.

Илохо, лутф кил мунда ва анда,  
Йигилгонда ёмону яхши банда.

Илохо, лутф кил хасратли соат,  
Хабибингдин насиб эткил шафоат.

Айирма яхшиларни орасидин,  
Йирок этма хабибинг корасидин.

Беҳишт ва дўзахнииг баёни

Эрур жаннату дўзах холо мавжуд,  
Яратибдур ани халкига Маъбуд.

Кўнгилга солма, эй акли диёда,  
«Сигар ул икки манзил кайси жода?»

Агар амр айласа, кавнайн барпой,  
Бўлур бир пистани пўчогина жой.

Кирар дўзахга кофир, кайта ўлмас,  
Азоби сахтдин харгиз кутулмас.

Хамиша колмагай иймонли банда,  
Тутар охир кўлин иймони анда.

Агар афв этса, осоми кабоир,  
Дегил жойиз, Удур гофиру сотир.

Сагирадин агар тутса Худованд,  
Дегил ким эрк анингдур, эй хирадманд.

Ўзи Кодир, Ўзи Гофир Худодур,  
Кулига қар на ҳукм этса, раводур.

Наъувзу биллах, истихлоли исён,  
Олур мўмин кишидин шамъи иймон.

Беҳишт ичра киши ким бўлса дохил,  
Бўлур анда хама максуди ҳосил.

Тирикдур доимо, андин сўнг ўлмас,  
Аламдин, ҳузну гамдин зарра бўлмас.

Хамиша айш ила ишратда банда,  
Кўнгилга кечмагон ишратлар анда.

Агар жаннат билан дўзахни авсоф,  
Килурга жамъ бўлса, коф то коф.

Адо бўлмас ики манзил сифоти,  
Ани яхши билур Тангримни зоти.

Ики манзил сифотин сони бўлмас,  
Алар аҳли билан ҳеч фони бўлмас.

Битибдур шорихи «Аврод» ани,  
Ки бўлмас аршу курсий, рух фони.

Фано бўлмас деди Лавху Калам хам,  
Акида булдур, эй фарзанди Одам.

### **Муножот**

Илохо, эътиқоди пок бирлан,  
Мани оғишта қилгил, хок бирлан.

Дилим содик тилимга бўлди қойил,  
Бу сўздин қилмагил, бир зарра мойил.

Худавандо, Ўзингни ҳурматингдин,  
Кариму Гофиру Саттор отингдин.

Бу мискинларга мўмин исм қилдинг,  
Жамоат аҳли суннат қисм қилдинг.

Ўшал отдин айирмагил хамиша,  
Агар чандики бўлсак журмпеша.

Малак келса жасаддин олгали жон,  
Килур шайтони малъун касди иймон.

Килурда жон ширин жисмдин накл,  
Азиз жон аччигидин кам бўлур акл.

Кўнгил шахбозини килмок учун сайд,  
Килур хар ёнда шайтон хийлаву кайд.

Мадад Сан килмасанг ул дамда, ё Хай,  
Урар тирногимизга ул лаъин най.

Худовандо, тирикда, жон чикарда,  
Лахадда, хашрда, кўприк ўтарда.

Жамиъи ерда мўмин отимиздин.  
Айирма сидкимизни зотимиздин.

Хамиша нафс ила шайтон каминда,  
Мани озгурмагил дунёву динда.

Тилоким бу, аё Суббуху Куддус,  
Кулингни килмагил расвою маъюс.

Худовандо, йонгилдим, турфа ёздим,  
Шаётин макри бирлан йўлдин оздим.

Пушаймонман паришон ўткан ишдин,  
Бахору тийрамоху ёзу кишдин.

Ёмон ишдин хама узвимни пок эт,  
Кўнгил мулкин макоми дарднок эт.

Яна шарманда килма кайта бошдин,  
Уётлиг килмагил дастору фашдин.

Муножот этди Оллоёре мискин,  
Кабул эткайсан, эй дорандаи дин.

Телим узр айголи, эй Кошифи роз,  
Тилимни минг тилим килсам эрур оз.

Уётлигман вале ё олимас —сир,

Кани узр айголи, юз мингидин бир.

Эмасман туз, карам хонинда еб туз,  
Керак тузларга кўйсам хавф ила юз.

Тила айдим: «Тила хар матлабинг бор»  
Деди: «Хакдур Ўзи донойи асрор».

Ўшал бех хавф этиб борур еримдин,  
Терим хижлат била окса теримдин.

### **Мусаннифнинг ожизлик ва шикасталик билан айтган сўзлари**

Ўтар дунёда Оллоёре маъйуб,  
Мунингдек юргангингдин ўлганинг хуб.

Ёмон нафсинг сани ўтдек туташди,  
Гунохинг бора —бора хаддин ошди.

Била олмам, аё нокобил авкот,  
Нечук жонсан, нечук тансан, нечук зот?

Бахойимсан, башар, девонасан, сог,  
Гунохинг олдида арзанча йўк тог?

Муханнасмусан, зр, болигмусан, ёш,  
Юзиш1 каттиг, тилинг аччиг, дилинг тош?

Фиъолинг номуборак, талъатинг шум,  
Хумойи бахтинг ўз каъбинг била бум.

На ким сан ахд килдинг, бўлди ёлгон,  
Кани сандек гунох остида колгон?!

Йирок туштинг нагу, курбатли йўлдин,  
Юбординг риштайи тоатни кўлдин.

На ким килдинг жаконда эртаю кеч,  
Риё бирла ул ишни айладинг кеч.

Белингни богла махкам, бўлма мафлуж,  
Кўзунг оч, корвоне килдилар кўч.

Ётиб гафлат корасин суртма юзга,  
Еди халк ўз гамини сандин ўзга.



Мусохибларки хамахд эрди мунда,  
Кетарлар бокий уйга кунда —кунда.

Кўрарсан кофилани ўгканин фош,  
Кўтармассан хатарлик уйкудин бош.

Кўзинг олдидаги бегонаву хеш.  
Сафар рахтини богларлар пасу пеш.

Вале сен хамри гафлатдин бўлуб кайф,  
Ётибсан неча расволиг билан, кайф.

Улуглардин, кичиклардин баякбор,  
Кетарлар хонайи мақсадга ночор.

Агар сандин кичиклар тутсалар рох,  
Ётурсанму хануз, эй акли кўгох?!

Баногох корвон Султони етса,  
Санга аслий ватаннинг хукмин этса.

Улуг йўлга кирарсан хох, нохох  
На килгайсан ва ле бетўшайи рох?!

Ажаб йўл, укбае хар бир кадамда,  
Жамиъи корвоне бахри гамда.

Хусусан йўлда бир вахшатли уй бор,  
Кирар ёлгиз бошинг ул уйга ночор.

Айириб корвондин кўндирурлар,  
Кизил гулдек юзунгни сўлдирурлар.

Азиз жисмингга неъмат хора бўлгай,  
Каро ер остида бечора бўлгай.

Юз алвон бирла сўз айгон сучук тил,  
Демас фармондин ортик биргина кил.

Лахад курти агар келса еголи,  
Кани, ул дамда дармон «киш» деголи?!

Етушса сўргали икки фаришта,  
На килгай, бандаи хасрат сиришта?

Магар Тангри Таоло килгай имдод,  
Ва гар на кайда еткай доду фарёд.

Якин билгил муни, эй бандаи зор,  
Худодин ўзга хеч йўк хокими кор.

Нагу, куллука богласанг белингни,  
Саноси бирла сабз этсанг тилингни!

Лахаддин барча одам ўгли турса,  
Бўлиб бир карвон Махшарга юрса.

Ва лекин хар киши ўз мотаминда,  
Бўлур охирги савдоси гаминда.

Худо килса нидо: «Эй бандаи зор,  
На келтирдинг, на турлук килмишинг бор

Тану терингда тотлик жон яраттим.  
Бахойим килмадим, инсон яраттим.

Хамиша айладим тарбиййатингни,  
Нагу килдинг паришон ниййатингни?

Сани солдим мусулмонлиг ерина,  
Кани шукр этганинг мингдин бирина?

Тамом аъзоларингни солим эттим,  
Ариг зотим билурга олим эттим!

Сугордим оби неъматдин тишингни,  
Кани, айгил манго килгон ишингни?!»

На бергайсан жавобин, эй тан орой,  
Бу хасратдин фигон, эй рўсиёх, вой.

Эрур бошдин аёгинг барчаси айб,  
Магар афв айлагай, Донандайи гайб.

Яна келса нидо, андин билинглар:  
«Ёмонлар яхшилардин айрилинглар!».

Мусулмон ўглида турфа ёмонсан,  
Ёмонлар ўртасида бегумонсан.

Ёмонлигни магар Донандаи роз,

Ёпуб кўшай саодат ахлина боз.

Тилинга халк аро тасбиҳу тахлил,  
Ва лекин ботининг тазвир ила хийл.

Тилинга халк ичинда ваъз ила дарс,  
Ва лекин ботинингда онча йўк тарс.

Ва гар на сан жахон расвосидурсан,  
Халойик ичра фитна бошидурсан.

Кийибсан халк аро факрона малбус,  
Ва лекин ботинингда нанггу номус.

Ё нар хунсомусан кавлинг да ёнар,  
Ухудинг нахли харгиз бермади бар?

Кўрар кўзга ажаб сўфинамосан,  
Нихонда нафс итига мубталосан.

Магар рахмат билан донойи асрор,  
Гунохларингни афв этгай баякбор.

Ўшал гамлик кўнгулни айлагай шод,  
Некулар ўртасида айлагай ёд.

Киши то шар килур савдоси тошар,  
Наъувзу биллах, улким хаддин ошар.

Башар бўлсанг, кўи афъоли ба шарни,  
Абас ўгкармагил исна ашарни.

Ёшинг еткон сари феълинг сани ёш,  
Кўзинг ёши кани, эй магзи йўк бош?!

Каноат маъданига оч кўзинг, оч  
Тамаъ бўии кўрунмай, бўиидин коч.

Сочилмасдин бурун сочгил ўзингни,  
Сўралмасдин бурун сўргил ўзингни.

Казилмай ер санга, кайт озганингда,  
Ёзилмай уқдалар, ён ёзгонингда.

Бакодур дема, айши бебакони,  
Ёкони тут, ажал тутмай ёкони. —

Макон эткон ерингдур мухталит лой,  
Насихат гўша олсанг, гўша кил жой.

Ёниб айшу тарабдин, иста Рабдин,  
Ўзин билган қачон қолгай талабдин.

### **Мусанифни васиятлари**

Ман ўлсам, эй жамиъи махрами роз,  
Мани ўзга ўлукдек қилманг эъзоз.

Хасу хор устига ташлаб тутинг хор,  
Килинг мандек бахойим жисмидин ор.

Бўсаго устига ташлаб танамни,  
Кафан айланг чирик пийроҳанимни.

Манго хайф этмангизлар тутмагон бўз,  
Агар чандики мардум қилсалар сўз.

Юборинг тез боратургон йўлимга,  
Мабодо қолмагайсиз шумлугимга,

Кўзингиздин чикорманг катрайи ёш.  
Жанозам орқасидин отингиз тош.

Оёгимдин тутиб судранг лаҳадга,  
На учун қилмадинг қуллук Аҳадга?!

Агар чандики ман бўлсам гуноҳкор,  
Дуову зориға сизлар бўлинг ёр.

Дейингиз: «Парвардигоро, Қирдикоро,  
Рақимо, мағфиратлик Биру Боро.

Олиб қелдик Санго қочгон қулингни,  
Хатолар бобини очгон қулингни.

Қелибдур, хийласи йўқдур кетарга,  
Тили йўқдур бу қулни узр этарга.

Гуноҳи қўп, боқар руҳсораси йўқ,  
Бўйинсунмоқдин ўзга қораси йўқ.

Агар берсанг жазо, қодир Худосан,  
Ва гар афв айласанг, Сан қодишосан.

Илохо, барча отинг хурматидин,  
Ариг зотинг, сифотинг хурматидин,

Бу кочгон бандага килгил тараххум,  
Агарчи килди куллуқ риштасин гум.

Мухаммад отли дўстинг хурматидин,  
Насиб эт охиратнинг рохатидин.

Хама ўтган расулнинг хурматидин,  
Жамъи яхши куллар хурматидин.

Агар чандики банданг дур бад афъол,  
Рахи исёна савби магфират сол.

Мухаббат ахлининг асрори учун,  
Рахи зарду дили хунбори учун.

Газот килгон эранлар жони учун,  
Шахидларнинг муборак кони учун.

Улугларнинг соколи оки учун,  
Йигитларни дили муштоки учун.

Ажузларни оқаргон боши учун,  
Етимларни кўзини ёши учун.

Шикаста беваларни дарди учун,  
Асир халкини охи сарди учун.

Агар чандики йўқ илгинда хеч шай,  
Бу кочкон кулни расво килма, ё Хай!»

На бўлгай бу дуолардин Худойим,  
Бу кочкон бандага ўткай жаройим.

### **Хар бир ишда етук устоз истамакнинг баёни**

Кел э толиб, бу дундин юз ўгирсанг,  
Тарики каъбайи максуда юрсанг.

Кадам кўисанг агар бул водийга,  
Кўлунгни топшир аввал кодийга.

Ажаб йўлдир, анинг поёни йўқдир.  
Хатарлик ерларининг сони йўқдир.

Талаб килгон ўшал рохи адамда,  
Халокат чоҳидур хар бир кадамда.

Ажаб йўлдир, тамоми меҳнату ранж,  
Ва лекин хар қаришда бир нихон ганж.

Ўшал ганжи нихон ёткон заминда,  
Мухайёдур қарокчилар каминда.

Агар бўлмаса йўл бошлагувчи пир,  
Солур бўйнунга шайтон доми тазвир.

Агар бўлмаса бир соҳиб қаромат,  
Эмас мумкин киши етгай саломат.

Қачон хар пир билур қутлуг йўлунгни,  
Тоғиб эр яхшисин тоғпгур қулунгни.

Ўшар пирики эрнинг эри бўлгай,  
Тарикат бешасининг шери бўлгай.

Таҳаллуф қилмаса ҳеч шаръ ишидин,  
Тамаълик бўлмаса харғиз кишидин,

Олиб қўлга чирोगи илми зохир,  
Улуми ботинийда бўлса мохир.

Фано бўлса тану жондин тўлойдин,  
Қутулса мосизодин лутфи Хайдин.

Қаю эрмиш фано бўлгон нишони,  
Тақаббур бўлмаса миқдори дони.

Ўзининг нафсини ул билмаса пок,  
Бўлиб қуллукда айтса: «мо абаднок».

Агарчи бўлмаса фориғ ишидин,  
Ўзин кам тутса хар мўмин кишидин.

Эшитмаса киши ҳеч «ман» деганин,  
Ўзи ҳам билмаса фони эканин.

Ўзи айтса: «фано бўлдум»— эмасдур!  
Фано бўлгон киши харғиз демасдур.

Ўзининг бошини сотса ўзи қул,

Качон окил киши бергай анга пул.

Агар рў берса хам баъзи макошиф,  
Инонмасдур анга хеч марди ориф.

Агар кўрган билан ўздин кетибдур,  
«Етибсан» деб ани шайтон етибдур.

Бу кунни туш била туш килма, эй хом,  
Баён килмок била колгонини шом.

Агар кам бўлса кўрмакдин махофат,  
Етар ахшом сабо бу тушдин офат.

Ўзин айгон киши албаттадур хом,  
Валоят тахтига боскон эмас гом.

Агарчи хар кеча кўк бўлса тавфи,  
Бурунгидин зиёда бўлса хавфи.

Мабодо гиррайи тушса кўнгулга,  
Бу гирра бошласа офатли йўлга.

Бўлур холатлик эр албатта хомуш,  
Агар етмаса май хеч килмагай жўш.

Кўгармас ун валоятлик хирадманд,  
Садо чикмас у найдин богласа канд.

Демас хар кимга асрори хакойик,  
Агар топилса ганж, ихфоси лойик.

Киши учкон билан сўии самовот,  
Таварруъ килмайин бўлмас камолот.

Валий улдур, чикорса мосивони,  
Хаводиндур талаб килмок хавони.

Набий табъиййатидур риштаи хуб,  
Вараъ килмок камолоту такарруб.

Агар филдек эрур манхий ва гар кил,  
Вараъ асхоби айтурлар: «Хазар кил!»

Агарчи кўп эрур жуду сужуди,  
Кўринмас заррача ориф вужуди.

Агарчи зохиру ботин деса дарс,  
Сакар олдида тургондек килур тарс.

Анингдек ходий амрин кўйма зинхор,  
Шайотин шатталар айрилсанг, эй ёр.

Набининг амрига килсанг итоат,  
Саодатдур, саодатдур, саодат.

Гадойи кўчайи даргохи бўлсанг,  
Умид ул, мулки дилни шохи бўлсанг.

Киши килса хилофи хукми шаръий,  
Ани жинни дегил ё марди саръий.

Агар сув устида юрса ўшал кас,  
Дегил: «Чандон бўлур сув устида хас».

Хавога учса гар монанди жиндур,  
Ани ходий дема, шайтони диндур.

Кўран ортик эмасдур, кўрмаган кам,  
Ким атко бўлса, индаллох ул акрам.

Керак тобеъга матбуъи мукаммил,  
Улуг тандин бўлур пайдо улуг зилл.

Керак кўп толиб ичра бир неку рой  
Ёрутмас мунча юлдуз бўлмаса ой.

Улув химмат йигигларга керак пир,  
Камонсиз учмагай кўб бўлса хам тир.

Ўшал жундики харб олатин осар,  
Агар бо сар юруса, ёвни босар.

Согалтур телбани пири забардаст,  
Куюннинг шўришин дарё этар паст.

Тушиб шох илгина бози кочар боз,  
Бўлур зогларга бози, эй сарафроз.

Бу таърифларга содик бўлса пиринг,  
Ва лекин бўлмаса равшан замиринг.

Эрур нуксон ўзингдин кўрма андин,



Бўлур албатта саъй «пирман» дегандин.

Пиринг фармонидин килсанг тахаллуф  
Тасассуфдур, таассуфдур, таассуф.

Шароби мухаббатни пири комилдин ичмак баёни

Кел, э сокий, икавлон айлали шурб,  
Ўшал шурбе ки халк андин топар курб.

Шаробе бер, ки дил андин бўлур сохв,  
Килур бир муддаодин ўзгани махв.

Агар Фагфури Чиндур, Кайсари Рум,  
Мухаббат ахлини олдида маъдум.

Мухаббат жомидин топса киши бақр,  
На килсун мулки моли Мовароуннахр.

Кўнгил мулкига бир олий сифатдур,  
Мухаббат ганжи боги маърифатдур.

Ризойи хазрати Маъбуд ўшанда,  
Жамиъи истаган максуд ўшанда.

Анингдек мулкни султони бўлсанг,  
На хожат ер юзини хони бўлсанг.

Агар хардалча бўлса мехри агёр,  
Бўлур ботин кўзинг махжуби асрор.

Нечукким заррача хас тушса кўзга,  
Килур албатта кўрмакликни ўзга.

### **Солик казога рози ва балога сабрли бўлмогининг баёни**

Кел э сокий, мухаббат жомидин май,  
Харидор илгина бергил паёпай.

Харидор ул эрур жуз ниййати фард,  
Кўнгил кўнглакина юктирмагай гард.

Каю холатда бўлса эртаю кеч,  
Хилофи хукми махбуб этмагай хеч.

Бу йўлнинг барчасин тай килгон эрлар

Ризо бермак маком аълоси дерлар.

Агар бошида юрса осие санг,  
Ризо жўянда харгиз бўлмагай танг.

Агар хар кунда ичса захр аёгин,  
Суюклук бандаси чатмас кабогин.

Кишиким розилик коминда бўлса,  
Килур шукр, аждахо коминда бўлса.

Ризо айвонида топкон киши жо,  
Демас «во» боби офат бўлса хам во.

Агар магзи дилинг айрилса то пўст,  
Йигини йиг, агар чин кулсан, э дўст.

Сўнар гам тушса хар озода эрга,  
Ўчар ўт тушса хасдин холи ерга.

Худо амрига окил гам емасдур,  
Демас гардун килур гар дун эмасдур.

Эгам хукмига хар ким бўлса мамнун,  
Кўтармас ун агар бошин килур ун.

Бу токка сурсалар, ташлаб у тогдин,  
Санодин ўзга чикмас акли согдин.

Агар киндур магар минг килсалар кийн,  
Качон тушкай чин эрни кўнглина чин?

Каю холат билан жон бўлса танда,  
Бўлар шокир хамиша рози банда.

Улуг йўлдин адашкон неча беакл,  
Килур эрлардин у ёлгончилар накл:

«Киши ким ошики дийдори Хакдур,  
Мухаббат ахли бирлан хамсабакдур.

На хожат ўзгача тоатлар андин!»  
Бўлур юзи каро мундог дегандин.

Буюргонига хар ким бўлса мункир,  
Гумон йўктур, бўлур албатга кофир.

Ўшал халкики кўп беакл эмишлар,  
Худонинг душманин ошик демишлар.

Дилу жон бирла бўлгон ошики зор,  
Хилофи хукм килмас зарраи кор.

Буюргон ишларини шоду гамда,  
Килур бирдек фарогатда, аламда.

Агар тўлдирсалар ернинг юзини  
Кизил тилло билан, солмас кўзини.

Бало ўки кадалса, урмагай ох,  
Килич бошига келса, бузмагай рох.

Киши ким килса ошикликни лофин,  
Килурму хеч маъшуки хилофин.

### **Хикоят**

Мукулмонени юз чўп урди бир дун,  
Ўшал озодадин хеч чикмади ун.

Деди бир нозире: «Кўб, хокима бор».  
Бу айди: «Хокимим хозирдур, э ёр!»

Тану жон барчаси амлоки Рабдур,  
Макосид истамак биздин ажабдур.

### **Толиби Хак улдулки, жохон савдосидин мосиво бўлса**

Кел э кўнгил, жохон савдосидин кеч,  
Кадам гам кишварига урмагил хеч.

Жасад колмасдин илгари нафасдин,  
Хаво кўб килмагил, кечгил хавасдин.

Дари тавба очукда йста максуд,  
Иш ўткан сўнг пушаймондин нечук суд.

Эгил тезрок Худонинг тоатиға,  
Кейин кўйма бу дами соатиға.

Йигитликда ажаб хуш хавфу зори,  
Ёгинлиг келса хўб, йилнинг бахори.

Кўзидин ёш агар кўркиб тўкар ёш,  
Дури рахмат бўлур хар ёшига чош.

Мабодо тавба килмасдин бурунрог,  
Ажал келса, кетарсан тавбасиз дог.

Ўлумни доимо ёнингда билгил,  
Анинг илгин гирибонингда билгил.

Ўлимнинг сокисин пешонада бил,  
Лабингни доимо паймонада бил.

Ажал тортиб турубдур ёй билан ўк,  
Ёшунур ер, кочар дармонимиз йўк.

Кўгорибдур килич бизга солурга,  
Киши билмас кўярму дам олурга.

Билурсан йўк бу дунёнинг бакоси,  
Кадам кўйгон ерингдур жар якоси.

Таажжуб мундин ўгмас, жар лабинда  
Бани Одам кануз ўз матлабинда.

Кадам дарё юзинда — рўии хасда,  
Хануз авлоди Одам минг хавасда.

Сахар бўлса, нидо айлар фаришта:  
«Эшит, эй одамий, гафлат сиришта!

Сани халк айлаган Султони голиб,  
Хамиша бандасидин тавба толиб».

Эгамнинг магфират дарёсидур жўш,  
Ажабдур бандасидин гафлат огуш.

Эгамдин лутфу рахмат бобин очмок,  
Ажабдур бандасидин мунча кочмок?!

Ётурсан табакай эмди уянгил,  
Дилу жонинг била Хазратга ёнгил.

На ким килмишларингдин тавба килгил,  
Бошинг кўб юкори килма, эгилгил.

Агар ер юзининг султони бўлдинг,

Ўлим чанголига охир тутилдинг.

Агар тобсанг хаёти Хизру Илёс,  
Кетарсан бу жахондин аййуханнос.

Агар топсанг хаёти хазрати Нух,  
Килур бир кун ўлим жонингни мажрух.

Агар топсанг тирикликни ду бора,  
Санга йўқдур ўлумдин ўзга чора.

Надур тавба демок —ёнмок гунохдин,  
Тузук йўлга юрумак ўзга рохдин.

Худо даргохида чун айладинг ахд,  
Ани синдурмагил, нафс айласа жахд.

Агар «тавба» демак чикди тилингдаин,  
На суд, ул бўлмаса жону дилингдаин?!

Дилу жон бирла килгоннинг нишони,  
Яна килмас ки тавба килгон они.

Агар чин ёнасан, тормош бу ёна,  
Тахи поёнадур, тойрилма ёна.

Надам нурун кўнгилдин килма гойиб,  
Агар тоиб эрурсан, кетма тойиб.

Ўлар бир ахд ила бир хайли бўлса,  
Агар чандики ишрат майли бўлса.

Кўнгил тасдики —решадур, амал—шоҳ,  
Улуги —тавбадур, синдурма густох.

Синик шоҳ зарби бирла захм олиб асл,  
Мабодо колмагай хушк охири фасл.

Жарима чирки бирлан зохиру сир,  
Бўлибсан кир, надам дарёсига кир.

### **Хикояти Робиъа**

Эшиткил, Робиъанинг ашкин, эй шоҳ,  
Бировнинг чодирига томди ногоҳ.

Деди: «Юв чодирингни, эй кариндош,  
Кизил кондур кўзимдин сачрагон ёш.

Уётлиг осиядин, эй гузийда,  
Бўлибдур кона табдил оби дийда.»

Агарчи Робиъадур маръа биззот,  
Эранлар кўйдилар «тожур — рижол» от.

Ўзин судраб Харамга жони бирлон,  
Етишди етти йилда ёни бирлон.

Анинг шаъниндаги касбу камолот,  
Ададдиндур берун азвоки холот.

Мунунгдек йигласа андог неку рой,  
Бизингдек рўсияхнинг холига вой.

Хамиша завкимиз айшу кулушга,  
Етушмас эрта килгон тавба тушга.

### **Муножот**

Илохо, лутф кил, ман мубталога,  
Тушубдурман биёбони балога.

Ётибман юз тубан исигда сувсоб,  
Киши йўқдур томизгай катрайи об.

Куриб коним, етибдур лабга жоним,  
Тушубдур ерга огзимдин забоним.

Базийёт ахли аторофимдадур пур,  
Умидликман хануз, ё Кошифаз-зурр.

Карам бахридин, эй султони Ваххоб,  
Ато килсанг манго бир журъаи об.

Саодат кувватин килсанг иноят,  
Рафиким бўлса тавфику хидоят.

Бериб синмас асои тавба кўлга,  
Талаб дарди билан солсанг бу йўлга.

Таварруъ зоди бўлса кўйнимизда,  
Убудийят таноби бўйнимизда.

Юрутуб яхшилар кезгон субулни,  
Ризо мулкига кўндурсанг бу кулни.

Мунинтдек ишлар, эй Донойи асрор,  
Санго осон эрур, гар бизга душвор.

Кўторибман умид бирлан билакни,  
Худовандо, кабул эткил тилакни.

Эрур жовид лутфунг бахридур жўш,  
Эрур биз чун хатогар, Сан хатопўш.

Агарчи барча ишим бўлди маъйуб,  
Мани айбимни лутфинг ёпмоги хуб.

### **Камтаринлик хакида мавъиза**

Кел э нафс, очмагил кўз хар каёна,  
Йўк эрмиш эътимод ушбу замона.

Муяссар бўлса тиллодин санга тахт,  
Узунгдин пастга зинхор аймагил сахт.

Агар берса жахон султонлиги даст,  
Киши ўз холини билмак керак паст.

Агар рутбанг эрур аълоий офок,  
Иикилгон хасталарни холига бок.

Бу рифъат бирла кўкни кўр хамиша,  
Юзидур ер сори, эй яхши пеша.

Агар чандики ўрнунг бўлса афлок,  
Куёшдек ўп туриб рухсорайи хок.

Агар дунёда бўлса зўр бозу,  
Вале анда куруг лугдур тарозу.

Тараф мўре ки санда куввати фил,  
Мусулмонлигда анга мархамат кил.

Агарчи ул оёк остидадур хор,  
Худо махлукидур, огритма зинхор.

Такаббур килмагил, эй бемаъоний,  
Фалоний ўглидурман деб фалоний.

Агар олдингдаги кул бўлса волий,  
Кўнгилни кийнасидин айла холий.

Бурунги холига килма назора,  
Ани Тангрим азиз этса, на чора?!

Ишонма отага, колма талабдин,  
Киёматда сўрулмасдир насабдин.

Хасаб фавки насабдур, эй неку хол,  
Йипак тўндин ўтар хўб ишлаган шол.

Корача ўгли хўжа ўглидин кам,  
Муъаллам бўлса саййиддин ўтар хам.

Агар сохиб насаб туздур ишига,  
На сўздур икки хислатли кишига.

Агар килсанг сафар дорул—хаёта,  
ўб ота бор дема, тормош хўб ота.

Агарчи Нух эди ходийи инсон,  
Тугубдур андог эрдин номусулмон.

Агарчи Нух ўглин арзин этди,  
Худодин «лайса мин ахлик» эшитди.

Абу Толибки аммдур Мустафога,  
Ота эрди Алийул—Муртазога.

Кичикдин Мустафога эрди мушфик,  
Ва лекин бўлмади динда мувофик.

Диёнатсиз ўшалким бўлди нобуд,  
Паямбар шафкати хам килмади суд.

Анинг хукмидадур идбору икбол,  
Тикондин гул чикорди, захрдин бол.

Халилуллох эдилар Озар ўгли,  
Таки Лут набийдур Хозар ўгли.

Хасуд эттан киши дуну дагалдур,  
Бу бир сўз халк аро эски масалдур:

«Чирогиники, Хак ёндурди кўйди,



Ани ким «пуф» деди, соколи куйди».

Худонинг сунъидин кўрдинг карашма,  
Бир эски ердин окти янги чашма.

Ани банд эткали олди биров бел,  
Муни гарк айлади ногох келиб сел.

Агар торий киши зулм этса, тортар.  
Ва ле мазлум деганнинг ажри ортар.

Мусулмонийга бўлма хеч мукобир,  
Борур жо бир эрур, эй нафси жобир.

Тушурма нафъи йўк ранжиш миёна,  
Сани элтар зиёна тозиёна.

Тирик юргунча золим ўлгани хўб,  
Гуноҳдин хар неча кам бўлгони хўб.

### **Хикояти Хажжож**

Мусулмонегга бир кун айди Хажжож:  
«Дуойи хайр учун бизга кўлунг оч!»

Дуога кўл кўтарди ул неку хол, Деди:  
«Ё раб, бу золим жонини ол!»

Деди Хажжож ўшал марди Худога:  
«Тилинг борди нечук мундог дуога?»

Деди Хажжожга ул марди неку сайр:  
«Санга хам барча мўминларгадур хайр.

Гуноҳинг кам бўлур ўлсанг агар тез,  
Кетар зулминг аларни бошидин нез».

### **Тамаъдин тийилиш хакида**

Кел, э озода, бўл химмат билан ёр,  
Тамаъ зиндонига бўлма гирифтор.

Бир игна бўлмаса дунё ишидин,  
Ур истигно, тамаъ килма кишидин.

Худойинг хар на берса, кил каноат,

Юракни килма миннатдин жарохат.

Югурсанг кунда бир кавдий учун чанд.  
Бухоро ўлкасидин то Самарканд.

Бадахшондин кўтарсанг юз сори тош,  
Бахоси Балх ичинда бўлса бир мош.

Агар боши билан чох казса банда,  
Кўзининг ёшича сув тобса анда.

Агар козса ариг, киприк била мард,  
Анга бир хўшае жў килса Парвард.

Бу меҳнат бирла тобсанг парчаи нон,  
Кишини миннатидин улдур осон.

Кидиргон бирла ризкинг кидри тошмас,  
Кетар кадринг, кадардин харгиз ошмас.

Таваккул ганжидин, эй юз ўтиргон,  
Буюрганга муҳолифдур бу юргон.

Ола бўлгон ола юргондин ортик,  
Кўмулган термулиб тургондин ортик.

Агар тош чайнаса элдин чикиб тош,  
Кишига эрмагай химматли кул бош.

Тамаъ нонига лаб очгунча, ўл оч,  
Минан ўгидин учкундек бўлиб коч.

Агар корни бирор тўймаса карни,  
Кишига аймагай эр банда сирни.

Тамаълик сийладин бекдур силинган,  
Тилангандин эрур осон тилинган.

Тамаъ килма топарга зар нигорин,  
Бу зар меҳри бузар диннинг хисорин.

Кишини матлаби сийм бўлса ё зар,  
Халилнинг отаси хам бўлса Озар.

Мусохиб билмагил дунё хасимин,  
Насими маърифат иста, на сиймин.

Эмаклаб тушса, кетса эт била пўст,  
Тамаъ килма кишидин тўша, эй дўст.

Гараз дунё бўлуб, эй одамизод,  
Азиз умрингни харгиз килма барбод.

Кишининг хизматида богласанг кўл,  
Жиловида югурсанг бир кадам йўл.

Бу юрмакдин фано кечганинг ортик,  
Бу неъматдин «заккум» ичганинг ортик.

Ва лекин тегса хос эрнинг жилови,  
Саодатдур, дилинг дардига дови.

Анингдек эрни даргахинда киш —ёз,  
Азиз умрингни ўгкарсанг эрур оз.

Ўшал эрнинг эриким бериёдур,  
Кадам туффроги кўзга тўғиёдур.

Анингдек бандани бўлсанг гадоси,  
На давлатдур, Худойимнинг ризоси.

Анинг бир донасидур хирмани зар,  
Дами сувдур ул эрдин мушку анбар.

Саодатлик мурид ул Хак рахинда,  
Бўлур йўлбошчисининг даргахинда.

На расво пир эрур нафси учун хор,  
Муриди эшикида юрса ул зор.

Хаё йўк, шарм йўк харгиз аларда,  
Битиклик ходийлардин нусхаларда.

Кеча — кундузга кимнинг кути етса,  
Харом эрмиш ўзини сойил этса.

Набий айди, Киемат бўлса, эй дўст'  
Тамаъгирни юзида бўлмагай пўст.

Билай десанг бу сўзни, иста-«Мишкот»  
Тамаъ бирла кечиргон хайф авкот!

**Хикояти Савбон**

Ажаб мард эрди Савбон аткиёда,  
Ул отлик эрди бир кун, эл пиёда.

Кўлидин ерга камчи тушди ногок,  
Тушиб олди ани, ул кўнгли огод.

Ёронлар айди ул покиза хулка:  
«На бўлгай эрди амр этсанг бу халка?!»

Деди Савбон: «Тамаъдин бўлмагай деб,  
«Олиб бергил!» — демакни кўрмадим эб»

### **Ёмонлар суҳбатидин кочиб, яхшилар суҳбатинда бўлмокнинг баёни**

Кел э толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Муҳаббатсиз кишидин куш бўлуб коч.

Мукаббат ахлининг жўёни бўлгил,  
Ўшал ким учради, курбони бўлгил.

Кишининг кўнгли ким бегона бўлса,  
Эрур душман агар хамхона бўлса.

Муҳаббатсизки бўлди кар каю зот,  
Агар фарзанди шириндур, эрур ёт.

Муҳаббат бўлмаса хар кимда, эй хайр,  
Отанг бўлса эрур бегонау гайр.

Акориб юрмаса кўнгли окориб,  
Кўлингдин келса хеч ўлтирма бориб.

Агар бегонаенинг доги бўлса,  
Анга сарф эт, кўзунгнинг ёги бўлса.

Жигарбандинг юрокинг гўшасидур,  
Анинг меҳри Киёмат тўшасидур.

Анингдек ёр ила чун айладинг ахд,  
Ичурса захр, ани билмак керак шахд.

Тилоса бўркни, бермак керак бош,  
Агар жон истаса, кайтармагил кош.

Агар бўлсун десанг енгил огирлар,  
Чикиб бир ёна, тоб, бирён багирлар.

Килур сухбат асар, эй толиби рох,  
Мунунгдек жорий бўлди одатуллох.

На ким туз конига тушса, бўлур туз,  
Ки андин ўтса неча кеча —кундуз.

Агар чандики нокобиллигинг бор,  
Некулар жамъидин айрилма зинхор.

Агар чикса йипакнинг жамъидин лос,  
Бўлур гарки сиёхи аййуханнос.

Ўзин килса каю мис нукрага замм,  
Кўяр мис отини халк ўгли дирхам.

Олур сухбатда бир —бирдин киши бахр,  
Агар кўп чашма бир бўлса, бўлур нахр.

Жамоатдин ўзунгни килма мумтоз,  
Чопар кўп тўпдин айрилгон куша боз.

Галага бўри чопса, эй фалоний,  
Каю айрилса, аввал тишлар ани.

Юрусант якка, дев бошингни янчар,  
Карокчи тўпдин айрилгонни санчар.

Худонинг рахмати бўлса жамоат,  
Эрур рахматдин айрилгон кабохат.

На ул жамъики гафлат ахли бўлгай,  
Бахойимдин зиёда жахли бўлгай.

Аларнинг сухбатин бил захри каттол,  
Бузар кўп сухбатин, бил, бир бад афъол.

Керак сухбат эли бир тану бир ранг,  
Барас бар рўйи нохун бўлса хам нанг.

Агар келса музирр, нафрат кил андин,  
Иилондин безарар бўлмас, бил, андин.

### **Хикояти дев**

Деди бир деви хосид яна бирга:  
«Бориб кайд эт фалон фохишли ерга».

Деди: «Ул фиркадин фориғ бўл, эй ёр,  
Алардур бир —бирига рахбари нор.

Билибдур зохирий душманларин дўст,  
Эмас хожатки кирсам рағ била пўст».

Дунёдин тажарруд бўлмоклик хакида

Кел э солиқ, ўзингни йўлга солдинг,  
Улуг химмат асосин кўлга олдинг.

Агар колмай десанг кирган йўлингдин,  
Тажарруд давлатин берма кўлингдин.

Кейинга бокмагудек бўлса банда,  
Етар максудига тез излаганда.

Агар боксанг кейин бу тоғу чўлда,  
Мабода колмагайсан ўрта йўлда.

Машаккат бўлмаса сунгон бўйинда,  
Бех андин бўлғони ернинг куйинда.

Ибодат банданинг манзури бўлса,  
Бех ул эрдинки, уйда хури бўлса.

Ва лекин этмаса шахват жудолиғ,  
Кўнгилга тушса касди кадхудолиғ.

Диёнат истагудекни талаб кил,  
Агар топилмаса, кунжида хаб кил.

Агар зангий бачадур, кўзлари кўр,  
У ким, мастура бўлса, бил ани хур.

Агар чанди ки бўлса бандазода,  
Ани сохиб насабдин кўр зиёда.

Тилининг узуни — шарму хаёси,  
Юзининг окидур— эрнинг ризоси-

Ўшал хотунки номахрам назардур,  
Агар шамсу камардур — мочахардур

Агар чандики бузрукзодадур ўл,  
Якин бил, тўрт оёклик модадур ул.

Ўшал хотунки ёшурмас юзини,  
Ки номахрамга кўрсатур ўзини.

Ани ман этмас эрдур бехамиййат,  
«Хулоса»да эрур мундог савиййат.

Богайрат эр эрур, рози казога,  
Юбормас ахлини тўйу азога.

Бўлур рози кора ерга тикарга,  
Качон рози бўлур уйдин чикарга.

Гараз, эй бандалар, нозир бўлунглар,  
Ёмон йўл фиркага хозир бўлунглар.

Бани Одамда бордур бир фарика,  
Тутарлар ўзларин ахли тарика.

Алар шаръи Набийнинг душманидур,  
Аларнинг оти яъни «равшаний»дур.

Алар ўзларига ориф кўйиб от,  
Ўкурлар омийларга яхши абёт.

Ва лекин айтишур бехуда маъни,  
Ўзининг йўлига солмокка яъни.

Аларда бўлмагай ҳеч яхши ниййат,  
Аёлу ахлида бўлмас хамиййат.

Жамиъи жониворлар тушса кўзга,  
Хамиййатлик бўлур тўнгиздин ўзга.

Аларнинг феълидур тўнгузга ўхшаш,  
Шариат мункиридур, огзига тош.

Аларнинг феълини ким яхши билди,  
Бўлиб кофир, ёнар ўтга йикилди.

Бўлибдур ҳам таки бир фирка пайдо,  
Оти мўмин вале нафсига шайдо.

Йигарлар порайи бўини йўгонни,  
Солурлар ўртага кизу жувонни.

Агарчи «равшаний» эрмас, бу авбош,

Вале бу иш шариат хукмидин тош.

Битибдур Бул Хасан ул яхши банда,  
Китоби «Танбихуз — золин» ичинда.

Бу айгон фиркаким золлу музиллдур,  
Шариат ахли бу элдин хижилдур.

Инонсун деб таки бир неча беакл,  
Килурлар Хожа Ахмаддин муни накл.

Худонинг дўсти бўлса Хожа Ахмад,  
Килурму хеч мунингдек бидъати бад.

Шариатда эди ул офитобе,  
Колибдур бизга ул эрдин китобе.

Ўшал султон битибдур балки анда,  
Чикар мундог фарик охир замонда. »

Анингдек фирка малъуни Худодур,  
Аларнинг феъли суннатдин жудодур.

Бу ишлар бешаку райб, эй мусулмон,  
Ўшал кутби замонга эрди ёлгон.

Каю эрдинки, накл этса бу ишни,  
Инонманг зинхор андог демишни.

Валий бўлса улуг йўлдин тоярму,  
Хилофи шаръи Пайгамбар этарму?

Анинг шаънинда ёлгондур бу афъол,  
Агар чин бўлса, эрмас сохиби хол.

Валий билмасмиз ул айгон кишини,  
Килиб ўткан экан шайтон ишини.

Олиб борса киши ахлу аёлин,  
Кўтарур бехамийятлик ваболин.

Харом ишники тоат билса инсон,  
Эрур бу эътикоди номусулмон.

Биродарлар, билинглам рохи Хакни,  
Тутинг душман ўшал айгон фиракни.



Киёмат кун қўшилса жон ила тан,  
Кўпар хар эр ўзини дўсти бирлан.

### Хикоят

Паямбар дорида бир кўр гадойи,  
Тилар эрди келиб чизи Худойи.

Туруб эрди карошиб баъзи азвож,  
Газаб бирлан кароди шохи меърож.

Дедилар: «Эй шаханшохи кабойил,  
Биз андин кочмадук, кўр деб бу сойил».

Аларга айди ул султони аброр:  
«Агар кўр бўлса ул, сизларда кўз бор!»

Алар: «Биз билмадук», деб зори килди,  
Гухарлар кўзларидин жорий килди.

На сўз Пайгамбар азвожига, эй хок,  
Алар эрди жамиъи шубхадин пок.

Таажжуб фитналикдур бу замона,  
Тушубдур эрлар ахволи ёмона.

Хирадмандо, эшит мандин неча панд,  
Бу сўзга бўлмадим омил агар чанд.

Замона хотунини йўлга солмок,  
Эрур осон ул ишдин калъа олмок.

Узулмас солмани бўйнунга солма,  
Агарчи олмадур рухсори, олма!

Даме айшики, бўлгай охири сард,  
Ани хушлаб, кабул этма узун дард.

Бола деб солмагил жонинг балога,  
Бола бирлан бўлурсан мубталога.

Мусулмон оли бўлсанг олма олин.  
Агар олсанг кабул этма ваболин.

Кўйуб Тангри таолонинг ризосин,  
Нечук тандур килур зан муддаосин.

Агар бор олгонингнинг яхши холи,  
Дема хотун, дегил диннинг камоли.

Хуш ул зан, билмаса беҳуда дерни,  
Сучук лафзи билан шод этса эрни.

Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,  
Уни чикмас уни айтурга бир кун.

Билур эр олдида додук ўзини,  
Ва гар юз тилса, кайтармас юзини.

Агар ўйса кўзин кулфат била шўй,  
Туриб уйдин чикорга айламас ўй.

Сирин фош айламас гар гамда бўлсун,  
Агар танг бўлса айтур: «Бўлса бўлсун!»

Агар занни мунигдек бўлса хишти,  
Ани билгил бу дунёни беҳишти.

Иликка тушса мундог нозанин гул,  
Дегил, бу сандадур бўсанда, ман кул.

Саройи охиратнинг зодидур ул,  
Иноят гулшанининг бодидур ул.

Каро дема, кара хуш феълу хўйи,  
Некудур на кўча кўрса, на кўйи.

Ганимат кўр, топилса хулки хуш кўр,  
Балодур жонинга мохи сухан шўр.

Окизур оклигин, гар келса тилга,  
Кизил деб олмагил, бадхў киз элга.

Ёмон бўлса, наъувзу биллах, андин,  
Зиёндин ўзга хеч келмас ёмондин.

Ёмон хотун шаётин камчисидур,  
Кўлунг боглагувчи аргамчисидур.

Ду олам нори бўлса нори кетсун,  
Кўзунг кўрмасга шум дийдори кетсун.

Агар ул кетмаса сан кет олиб бош,

Кўтариб юрмагил тогдин огир тош.

### **Хикоят**

Неку зотега айди бир неку хўй:  
«Эрурсан булажаб мункодаи шўй?»»

Деди: «Касдим мани Тангрим ризоси,  
Битар бу ўртада эр муддаоси.

Ики тоат муяссардур бир ишда,  
Нечук сунмай бўйун амр айламишда?

Шайхи комил истамакнинг баёни

Кел э сўфи, умид этсанг сафодин,  
Кариш чикма тарики Мустафодин.

Амал кил, иттико килмай амалга,  
Таваккул айлагил аzza ва жаллга.

Амал килмай сафо бўлмас кўнгилда,  
Оёгсиз хеч киши юрмади йўлда.

Качон кўлсиз киши бўлгай шиновар,  
Шиноварман деса, хеч килма бовар!

Солибдур ахли суннат рохи омма,  
Бу йўлдин чикмагил ўзга макома.

Дема, тутдум фалон бузрук ишини,  
Кўя кўрма Набини килмишини.

Ўшал бузрукки сохиб химматидур,  
Расулуллохнинг хос умматидур.

Паямбар килгонидин килмагай тош,  
Агар чандики бўлса кўз била кош.

Шариат хукмидин ташки риёзат,  
Эмас тоат, кабохатдур, кабохат.

Амал килмок учун кирсанг бу йўлга,  
Керакдур шамъи илм албатта кўлга.

Коронгуда кадам кўйсанг ёзарсан,

Агар кўз бўлмаса, йўлдин озарсан.

Эрур чунки ажойиб пурхатар рох,  
Кадам кўйсанг, оёғ остидадур чох.

Тузук йўл деб кадам ўтру солурсан,  
Кудукга тушганинг туймай колурсан.

Кўзунг гар бўлмаса, эй акли хушёр,  
Асокашсиз кадам ҳеч кўйма зинхор.

Агар олим сўзин хўб тутса омил,  
Ани омий дема, де «марди комил».

Удур жохил — билиб муршид ўзини,  
Кулокга олмагай олим сўзини.

Диёнат беҳидур илми акоид,  
Тамурсиз шоха су бермак на фойид?!

Бу маҳкам туб шажарни шохи — аъмол,  
Либоси бўлди такво, меваси — хол.

Ажаб аслеки, фаръи фиссамодур,  
Чикорур ходийи илм раҳнамодур.

Бидуни илм агар кўйсанг анга пой,  
Тойиб кетсанг сани ахволинга вой.

Иликка домани ходийи илм ол,  
Чикиб шояд егайсан мевайи хол.

Ажабдур ердаги тургон амога,  
Узотур илгин асмори самога.

Заифе айса: «Бефикхи зарурий  
Муяссардур манга тоат сурури».

Ўқуй билмаса зохир лафзи Куръон,  
Нечук тафсирини билгай ул инсон?

Агар магзин олибдур марди тохир,  
Нечук колди кўрунмай кишри зохир?!

Эрур дин илми чун зардолу, эй дўст,  
Мулаззаздур анинг хам магзи, хам пўст.

Биродарлар, будур бу кулнинг арзи,  
Валий бўлгайму, килгон тарки фарзи?!

Эрур фикхи зарурий фарзи айни,  
Ёмондур турфа нодонлигни шайни.

Бу тарк узра бўлур тарки фаройиз,  
Нечук бўлгай вале тонгла оройиз?!

Агар ул билмаса илми акоид,  
Ўлур ул акбари осома оид.

Анингдек телба касни, эй неку зот,  
Валий билма, агар кўрсанг кушфот.

Юмуб кўз, уйкуда кўрган била кас,  
Валий билмас ани марди суханрас.

Бу кўрмакдин ўзин билса зиёда,  
Дегил, отдин тушуб, бўлди пиёда.

Бурунги холидин килди таназзул,  
Тушар саркашли кулнинг бўинига гул.

На яхши ёр, ўзин кўрса гуноккор,  
Бўлур кўрган сари кўркунчи бисёр.

Агарчи бўлса кўб пинхон сужуди,  
Кўрунмас заррача ориф вужуди.

Ризойи Хак ани максуди бўлса,  
Хаёву илму хилму жуди бўлса.

Анинг ихлоси куллуқ бўлса —у бас,  
Риёдин бўлмаса кўнглида бир хас.

Жамъи ишларин солса Худога,  
Кўлин топшурса бир ходий ризога.

### **Хикояти имом Шайх Басрий**

Имоми ахли суннат Шайх Басрии,  
Умид улдурки жаннат бўлса касри.

Анинг бор арди бир омий муриди,  
Ва лекин танда эрди кашфу дуди.

Муриди келмади бир неча айём,  
Ўзи топди ани ул шайхи ислом.

Деди ул омани килмок учун ол:  
«Манга асроринг айгил, эй неку хол»

Деди: «Хар гаҳки хуфтон келса карши,  
Етарман лахзада айвони Арши.

Малоикдек бўлиб Арш ичра мумтоз,  
Худо бирлан узун шаб айтаман роз».

Деди: «Борсанг ўшал манзилга чун бод,  
Бу мискин отини хам айлагил ёд».

Яна кечаки ул манзилга етди,  
«Хасан» отин тилига жорий этди.

Бузулгон кўрди жойи дилкушойин,  
Нажосатхонаеда кўрди жойин.

Якин билди, муни шайтон килиб кайд,  
Килур эркан ани хар кечаси сайд.

Инобат килди бориб, кайта бошдин,  
Муяссар килди илм отлиг куёшдин.

Бузар ботилни туз олимни оти,  
Факайф, ул ерда хозир бўлса зоти?!

Ариг илму амалдур, рахбари хол,  
Бу икки бол билан учкон ичар бол.

Агар бўлмаса илминг, эй сабук сайр,  
Билур болинг ваболинг барчаси хайр.

Агар билсанг неку афъоли баддин,  
Наъувзу биллах, андог мўътакаддин.

### **Маъвиза**

Кел э окил, буюрсанг аклингишга,  
Ўзингдин кетмагил доно демишга.

Агар боло чикиб, кетсанг ўзунгдин,  
Йикилгойсан тойиб ерга юзингдин.

Ўзин доно тутиб, кибр айламоқдин,  
На чобуклар йикилдилар оёқдин.

Агарчи хар кеча дил махзанина,  
Бокарсан кўгх туриб, кўбтурма сийна.

Агар чандики бўлсанг кутби аброр,  
Дегил: «не донишим, не дон ишим бор!»

Нихоли меҳнатинг берсун десанг бар,  
Ризойи Хак учун илм эт муяссар.

Агар ёгингда бўлса гил риёси,  
Качон бўлгай чирогингни зиёси?!

Агар коли риёдин холи эрмас,  
Хакикат ул кишининг холи эрмас.

Ўқур бўлсанг, ўк ур нафсинг кўзина,  
Кара чин кўз била Мусхаф юзина.

Мухаккак олим улдур одил ўлса,  
На кўб жо дил югуртиб, жодил ўлса.

Жадалдин кол, ки кил устиндадир кол,  
Йикитсанг ё йикилсангдур забун хол.

Вужудинг укбаси эрмас алоша,  
Тал оша келган ўлтурмас талоша.

Ўқурдиндур гараз Тангри ризоси,  
На ул илмеки бўлгай халк изоси?!

Ёниб келганда меҳнат шамъи, эй ёр,  
Ёниб тутма хаво бодига зинхор.

Замона халки аксар толиби кадр,  
Бўлай деб садри мажлис, кон килур садр.

Ўқубдурсан агар холис маъони,  
Юрак кони билан осори кани?

Агар килдиинг муяссар илм ишидин,  
Оёгинг босма эгри кўр кишидин.

Билиб ўз душманинги килмадинг харб,

Кўриб ўгга ўзинг солмок, нечук зарб?

Мувофик илмига килса ишини,  
Дегил арбоби илм андог кишини.

Таварруъ шахрида, эй марди корий,  
Керакдур албатта кори вақори.

### **Хикояти бадбахтон**

Битибдур «Жомиъи Мишкот» ичинда,  
Набийдин сўрди бир сўргувчи банда:

«Ёмонларнинг ёмони кайси инсон?»  
Жавобин бермади анга ўшал он.

Уч айгон сўнг жавобин берди они:  
«Ёмон олим ёмонларнинг ёмони!»

Таки айди ўшал хамрози махбуб:  
«Эрур хўбнинг хўби хам олими хўб!»

Дед\*и Пайгамбари оламга ходий:  
«Эрур дўзахда бир шиддатли ВОдий.

Ўшал водийни «Жуббул —хузн» атоди,  
Риёлик корилар жойи у водий.

Жаханнам кунда тўрт юз катла андин,  
Панох истар Худойи Зул—минандин».

Худовандо, йирог этгил. риёдин,  
Айирма сидку ихлосу зиёдин.

### **Мавъиза**

Кел, э сохид, кўлунгдин берма тоат,  
Зиёд эт тоатинг соат басоат.

Уётлиг пеша кил, хавф эт тамаъдин,  
Риёзат айла таквову вараъдин.

Фарогат бирла хеч ошиқ етарму,  
Киши рокат элин ошиқ этарму?

Агар кул хожасин жўянда бўлса,



Ётарму йўлда ошик, банда бўлса.

Егил кам, кеча турмоқдин есанг гам,  
Бўлур иш кам, агар кўб тўлса ишкам.

Эгам ахд этса: «Фатлубний тажидний»  
Кўярму бандалар бу жаҳду жидни.

Ариг жисминг агар бўлсин десанг сог,  
Саноч огзин сан оч, албатта камрог.

Риёзат мевасидур мисли ёнгог,  
Агарчи зохири шах, ботини ёг.

Маишат аввали нарм, охири кахр,  
Йилонни тоши юмшоқдур, ичи захр.

Белингни боглагил хизматга чун най,  
Шакар тўлдурса шояд калбинга Хайй.

Риёзат хокига хар кеча ур бош,  
Юрак кон богласа, лаъл атанур тош.

Билур окил бу дунни сижни бадбўй,  
Баланд уй истасанг, нафсинг кўзин ўй.

Тўшаб колин, ёпиб тоат жамолин,  
Кўйубсан бошинга болин ваболин.

Тила нафсинг тила тоатга кам —кам,  
Магар бўлгай эгилмас гардани хам.

Кўзингдин айла гафлат уйкусин дур,  
Ва лекин бўлмагил тоатта магурур.

Агарчи бўлсанг ахли илм, зухход,  
Такаббур килмагил, аслингни кил ёд.

Такаббур айламок шайтон фиъоли,  
Йигию зоридур одамни холи.

Риёзат бирла хам очсанг кўзунгни,  
Азозилдек улуг тутма ўзунгни.

Агар ерни юзина айласанг дарс,  
Такаббур килмагил, бўлгил Худо тарс.

Санинг кирган йўлунг турфа узокдур,  
Орода сони йўк банду тузокдур.

Ажсб йўлдур орода кўб хатар бор,  
Киши билмас, чибин етгайму, шункор?

Киши билмас, бу уммон остида фош,  
Жавохир пора кийматдурми ё тош?

Агар чандики гавхар порадурсан,  
Якин бил, бандасан, бечорадурсан.

Хамиша бандадиндур зори килмок,  
На хаддур бошини юкори килмок?!

Тавозуълик бўлуб, туггил ўзинг кам,  
Шажарким, мевалик бўлса, бўлур хам.

Теракким, ул кўтарди юкори бош,  
Самарсиз бўлди, кўрдунгми ани фош?!

Кишиким, хоки рохдур, бериёдур,  
Кадам туфроги кўзга тўтиёдур.

Кетар дамда тўлойдин паст ўтар кун,  
Сабо чикса бўлур оламдин устун.

На бўлгай катрадек тутсанг ўзинг гум,  
Гухар бўлсанг, такилсанг тожи мардум.

Агар файз истасанг килма такаббур,  
Буюкга окмагай бахр ўлса хам пур.

Агар тутсанг тарики Мустафони,  
Ёмон кўйдур такаббур, куйдур они.

Огир тутди ўзини санги хора,  
Талаб бозорида кирмас шумора.

Кичик билди ўзининг қолини дур,  
Бахосидур харидор олдида пур.

Эгармиш жазби ишк шикаста касни,  
Йигар гирдоб аксар хору хасни.

Агар нафсинг хамиша тутмасанг кам,

Дуруст ихлос бирла бўлмагай хам.

### **Хикоят**

Азизе комилени жокили хом,  
Кабика лафзи бирлан берди дашном.

Тутуб саколини ул марди хушхў,  
Дер эрди ўз— ўзига: «Эй хунук рў!

Санинг расволигингни эртаю кеч,  
Ўзум айгонга бовар килмадинг хеч.

Бу мўминдин эшитиб келтур инсоф,  
«Некулар ахлиман», деб урмагил лоф!»

Ана инсоф, ана хулк, эй биродар,  
Ўзингни айбинга сан ёпма чодар.

Агар сан килмасанг нафсинг шикасти,  
Етар соколинга хар кунда дасти.

### **Таваккул баёни**

Кел э ошик, кўнгилни айлагил бир,  
Тарики каъбаи максудинга кир.

Нечук бўлгай дебон андиша килма,  
Таваккул айла, ўзга пеша килма.

Таваккул бандани йўлдоши бўлса,  
Ажаб эрмас каро тош оши бўлса.

Агар киммат кишининг ёри бўлса,  
Ажаб йўк жазралар бозори бўлса.

Етар охир таваккул айлаган кул,  
Таваккул кил, таваккул кил, таваккул.

Эрур бир ихтиёри жузъи сандин,  
Талаб килгонинга еткурмак андин.

Агар тутса Худо кул хотирин пос,  
Чикар кар гўшаедин Хизру Илёс.

Агар биткарса Мавло кул ишини,

Килур мушфик кўзига кар кишини.

Агар лутф айласа, бўстон бўлур чўл,  
Олов ўртасида пайдо бўлур йўл.

Ўтарда аждар огзин сурса пойинг,  
Зиён этмас, омон этса Худойинг.

Эгам «кум!» деди, ул кумдин кўпуб чуст,  
Мухаббат кумкумидин кил ўзинг шуст.

Бузуг ерда ётиб бўлмас ишинг бех,  
«Маконан тоййибан фазхаб биавник».

Агарчи бўлса санда ахлу фарзанд,  
Яротибдур аларни хам Худованд.

Ўзи килди аларни жисм ила жон,  
Берур албатта жон берган Худо нон.

Азиз жон чикмаса колибларидин,  
Камаймас неъматини Хак лабларидин.

Саноглиг умрдин то жон тутанмас,  
Якин билгил, огиздин нон туганмас.

Агар дарё тубида бўлса жойинг,  
Бахона бирла еткургай Худойинг.

Гараз, хар кайда, эй фарзанди одам,  
Саноглик рўзи харгиз бўлмагай кам.

Кишининг бўлса мундог эътиқоди,  
Анга бўстон эрур хар кайси водий.

Вужудинг хору хошоки колиндур,  
Ёлинсанг хам хаво ўчмас ёлиндур.

Миниб химмат бурокин чик колиндин,  
Ёлин махкам тутуб, сачрат ёлиндин.

Етибдур соли умрунг, эй табах хол,  
Таваккул соли махсад бахрина сол.

Кириб жон бахрина, эй нафси золим,  
Дема, солим манинг етгайми солим.

Етар — етмаслигидур хукми Рабда,  
Эранлар шартидур ўлмок талабда.

Таваккулни талаб кил, одамизод,  
Югургил каъбаи максудга чун бод.

Кириб йўлга, кўруб аълому осор, У  
зун бар деб гумонбар бўлма зинхор.

Бу бормокда агар бармок солур шер,  
Качон кайтар таваккул айлаган эр.

Хатардин ахли химмат хира бўлмас,  
Агар эл тира тутса, тийра бўлмас.

Таваккулдин киши ким олса бахра,  
Качон захра урар, гарк ўлса захра.

Ема рўзи гамин хеч ерда, эй ёр,  
Ким асроринг билур, ул яхши асрар.

Худога килса хар ким хўб таваккул,  
На ерда бўлса, зое бўлмас ул кул.

### **Абдуллох ибн Муборак хикояти**

Муборак ўгли бир кун озгишиб рох,  
Ажойиб сувсагонда кўрди бир чох.

Кечурди кўнглидан: топилди матлуб,  
Агар далву расан бўлса эди хўб.

Ўшал дамда бир оху келди сувсаб,  
Тошиб чикди кудукнинг огзига об.

Ул ичган сўнг ўшал шах борди чахга,  
Етар —етмасда ул сув тушди тахга.

Деди: «Ё Раб, берурсан охута об,  
Манга бермассан, эй султони Ваххоб!»

Нидо келди ўшал важхи хасанга:  
«Тилинг борди сани далву расанга.

Ўшал охуки кўрдинг чикти барга,  
Таваккул килмади мандин дигарга».

Эшитиб бул нидони бўлди бехуш,  
Ичидин кулзуми завк айлади жўш.

Мухаббат жоми хўл килди томогин,  
Тирикликда унутди сувсамогин.

Эди аввалда хам эр аткиёда,  
Юз онча химмати бўлди зиёда.

Мане мискин таваккул бобида дог,  
Тушубдур химматим кундин забунрог.

Хамиша нафси зиштим мубталоси,  
Манингдек борму хеч мўмин болоси?

Илохо, бахри химматдин килиб сер,  
Мане хунсога эрлар нашъасин бер.

Эрурман акли йўк, идроки йўк кул,  
На тамкин бор, на химмат, на таваккул.

Гила боттим, гила килмам кишидин,  
Кўрарман барча ўз нафсим ишидин.

Бу мўминлар ичида бир баломан,  
Бузук йўлдин чиколмай мубталоман.

Бўлубман гарки бахри изтироба,  
Хароб ўлмиш тушуб нафси хар оба.

Эрур кўнглумда кўб рози нихони,  
Юзум йўқдур туруб айтурга они.

Ўзунгсан Олимус — сиррил — хафиййот,  
Муайяндур санга мажмуъи холот.

Агар кайтармасанг ройим вародин,  
Кутулмасман мунингдек можародин.

Агарчи сони йўк бу кул гунохи,  
Гирифтори газаб килма, Илохи!

### **Дарвишлик баёни**

Кел э дарвиш, агар дарвиш атондинг,  
Тарикат ахли нек андиш атондинг.

Ахар отинг хилофи бандаликдур,  
Киёмат кун нечук шармандаликдур.

Курут от бирла ўтган хайф авкот,  
Уёнгил, бўдма мағрури курук от.

Курук юрма, курук дасти ажалда,  
Солур ногох гумон этмас махалда.

Ўзингдин кетма ихлоси авома,  
Суюнма нома келмай яхши нома.

Киши рўда кириб гар юрса рўда,  
Качон восил бўлур дурри шухуда.

Сивони нафй эканин айлаб исбот,  
Таваккул бахрина бот, эй кўнгил бот.

На бўлгай, кирса кўлга дурри максуд,  
Ва гар на сувда юргандин нечук суд?

Кўнгил Хак файзина бўлсун десанг чок,  
Ки аввал мартаба — халкингнй кил пок!

Ема зарра харом огишта нондин,  
Бўлур чохе нажас бир катра кондин.

Агар ош манхи бўлса, кўз юмуб ош,  
Ва гар на тонгла корнингдин чикар тош.

Эрур хардалча манхи захри котил,  
Килур бир катра май хум сувни ботил.

Харом оз бўлса хам кўбдур ёмони,  
Самоний бўлса хам билгил самм они.

Битиклик «Ширъа»да, эй лобиси далк,  
Фаройиз аъзамидур покиийи халк.

Каю тоатки ул марзойи Рабдур,  
Якин бил, куввати лукма сабабдур.

«Кифояи Шаъбий»да бул битилди,  
Расулulloх сўзидин накл этилди:

«Аригсиз лукма бирлан килса тоат,

Кабул эрмас ўшал килгон ибодат».

Худонинг манъини нафс истаганда,  
Агар бир заррасин тарк этса банда.

Ибодатларки бўлгай инсу жиндин,  
Бу айгон бандалик афзалдур андин.

Агар тарк этса зарра шубха, эй ёр,  
Деди, юз хаждин ортйк, эй неку кор.

«Рисолайи Абуллайс» ичра мазкур,  
Набийдин килди накл ул маъдани нур:

«Либосида харом огишта бўлса,  
Ўшал огиштаси бир ришта бўлса.

Ўшал тўн бирла ўтқарган намози,  
Кабул эрмас» — деди ул бахри розий.

Сиём ила агарчи ўтса кунлар,  
Киём ила кечурса барча тунлар.

Риёзат бирла ўтқарсанг ба хар кайф,  
Ариг бўлмаса лукманг, мехнатинг хайф.

Манохий рангидин ошинг бўёглиг,  
Бу ёглиг ош ила хайф у ёглиг.

Фаройиз аъзамин килгон киши тарк,  
Мухаббат бўйини кайдин килур дарк.

Отинг чикти ибодат ахли халка,  
Эгурдинг халка, шубха солма халка.

Кўнулсун тан десанг, зухд айла пеша,  
Очилсун ич, десанг, пок ич хамиша.

Агар огзингдадур боли ваболий,  
егил улдур хамим, эй марди холий.

Агар манхий эмас бўлса баъидинг,  
Бўлур кўп ваъдалик ийдинг ваъидинг.

Агар килса киши лима валима,  
Гирифтор ўлмагил ранжи алима.



Таомеки агар анда хатардур,  
Якин бил, лужжайи ўгдин батардур.

Агар бўлса харом ул лукмаи шум,  
Ани неъмат дема, де захри заккум.

Надур заккум, эрур таъзиби сахти,  
Жахим остида битган бир дарахти.

Жамиъи захр харгиз бўлмас андог,  
Егани корни кайнар мис козондог.

Ичининг бори пора —пора бўлгай,  
Иложин топмагай, бечора бўлгай.

Илохо, кўнглумизни бегумон эт,  
Ўшал шармандаликлардин омон эт.

### **Хикоят**

Эшиттил Ахмади Ханбалга бир явм,  
Деди бир бева зан: «Эй ходийи кавм!

Чирогим йўктур асло, эй улуг нарх,  
Ўгурур эрдим ой ёругида чарх.

фуру кетти жахон айвонидин мох,  
Халифа ўтти машъал бирла ногох.

Ани равшанлигида чусту чолок,  
Ўгурдим бир —ики йўл чархим, эй пок.

Манга ул риштам, эй кутби замона,  
Жавоб айгил, халол ўлгайму яна?»

Имом айди: «Бу гафлат оламинда,  
Нечук зансан мунигдек дин гаминда?»

Заифа, айди: «Эй макбули.вофий,  
Манинг хамзодим эрди Бишри Хофий».

Эшитти Бишр отин, кўздин тўкиб об,  
Деди: «Сизга раво йўк, эй дурри ноб!»

Анингдек маръанинг туфроги, эй мех,  
Бизингдек юз минг эрнинг конидин бех.

Дариго, эр отин булгаб юрибмиз,  
Имома бир абас чулгаб юрибмиз.

Лачак ортук бизинг дасторимиздин,  
Эранлар ор этар кирдоримиздин.

Хавас бозорида, эй майли кўп нафс,  
Емак бирла килибсан гарданинг гафс.

Санга суд айламас бу жисми варминг,  
Килиб шар минг, бирор келмасму шарминг?!

Бўлуб шармандалик дарёсига гарк,  
Ёмону яхшини фарк этмаган фарк.

### **Сучук тиллик бўлмокни баёни**

Кел э обид, ўзингни айлагил хок,  
Харому шубхадин калкингни кил пок.

Очук кўллик, кувдода юзли бўлгил,  
Мурувватлик, мулойим сўзли бўлгил.

Бу хислатлар мувофик бўлса санда,  
Умид улким Худойим деса банда.

Мусулмон ўглида бўлса сучук тил,  
Олиб келса бўлур бир кил била фил.

Сучук лафзи билан Мўре хирадманд,  
Солур зўр аждокони огзига банд.

Сучук тил бўлса кайси мухтарамга,  
Солур кўкдакини зери кадамга.

Сучук лафзи билан бехарбу безарб,  
Бировни келтирурлар шарқдин гарб.

Эранлар олмайин бир игна кўлга,  
Солурлар неча гумрохларни йўлга.

Сучук тилдир ажаб ганжи муаззам,  
Ато килгон билан хеч бўлмагай кам.

Дема харфики бўлса бемаъоний,  
Агар тил закарлик бўлса, тил ани.

Калиди ганжи маъниким забондур,  
Анга бир нукта кўб бўлса зиёндур!

Килур катгиг такаллум ўнг ишинг чап,  
Сўзинг тиклаб, кўнгил бузгунча тик лаб.

Агар сўз жона пайдо килмаса сўз,  
Ани сўз демагил, э мажлис афрўз.

Агар тутсанг улугларнинг ишини,  
Набот эт тил, на бот огрит кишини.

Совук айгунча, эй халки замона,  
Забона хавфидин мухр эт забона.

Чу Нўъмон мухрида бул эрди мактуб:  
«Кулил — хойра ва илло фаскут», эй хўб.

Совуг сўздин бўлур иймон коронгу,  
Зарардин ўзга йўктур, нафъи борму?

Ба хар жойе тилингни сакла зинкор,  
Киши тилнинг ёмонидин бўлур хор.

Ёмон тил гохи саргайтур юзингни,  
Тубан бошингни, телмуртур кўзингни.

Ёмон тил икки оламда зарардур,  
Гахе исён, гаке хавфу хатардур.

Ёмон тил шумлиги ки жонга ургай,  
Гахе жондин ўтуб, иймонга ургай.

Мусулмон ўглига яхши килик кил,  
Тилингни хуш, чиройингни илик кил.

Огиздин соч, еринда дурри маъни,  
Агар бўлмаса хомуш айла яъни.

Агар бўлмаса санда сўзга етмак,  
На давлатдур сукут этмак, эшитмак.

Эшит, аммо каю сўз бўлса беҳрок,  
Кулогинга ани халка килиб ток.

Кулок, кўздин, кўлунгдин, поларингдин,

Сўрар тонгла тамом аъзоларингдин.

Эшитсанг нафъи йўк сўз, эй неку зот,  
Ани хам гўша олма, гўша чик ёт.

Киши санчик сўз айтса, сан чик андин,  
Ёмондин коч, ёмондин коч, ёмондин.

### **Хикояти хазрати Лукмон**

Насихат килди фарзандига Лукмон:  
«Санга жохил киши бахс этса, эй жон!

•Жавоб айгил анга ширину юмшоғ,  
Магар бўлгай жахолат хамридин сог.

Агар нафъ этмаса, килма иъода,  
Бўлур айгон сари жахли зиёда.

Анга суд этмаса аймоғ савоби,  
Сукут этмакдур андинг сўнг жавоби».

### **Икки мўмин бир-бирига хайр килмоғи**

Кел э мўмин, хамиша хуш инон бўл,  
Мусулмон бўлса хар ким меҳрибон бўл.

Очилгайсан ани кўрганда гулдек,  
Тавозуъ айла хизматкор кулдек.

Сариг ёгдек анга бўлгил мулойим,  
Сучукликни асалдек айла доим.

Тут ул дўстингни сут устида каймоқ,  
Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.

Худонинг буйругидин тойса ногоҳ,  
Биродарлик ўшалдур — килсанг огоҳ.

Биродар жисмига жондек югурсанг,  
Талаттуф бирла ул йўлдин ўгурсанг.

Агар чандики килсанг меҳрибонлиг,  
Сани яхши сўзинг билса ёмонлиг.

Тилинг захми билан килгил жарохат,

Уёлиб шояд эткай истимоъат.

Агар тил захми анга килмаса кор,  
Кўлингдин келса, килгил зарб ночор.

Буларни барчасидур меҳрибонлиг,  
Тараххумдур анга эрмас ёмонлиг.

Бу саъй эткон билан хеч бўлмаса туз,  
Кўрарда ошинолиг риштасин уз.

Вале ботинда шогил бўл дуога,  
Анинг ахволини солгил Худога.

Киши ким бўлса мўминликда мавсуф,  
Эрур вожиб у кулга амри маъруф.

Кўзи йўк мўмине борур эди рох,  
Назар килдинг, ани олдидадур чох.

Хабардор этмасанг, улдур хиёнат,  
Каю инсоф эрур, кайси диёнат?!

Фигону дод ўшал бино кулидин,  
Агар кайтармаса дўзах йўлидин!

Киши ёпса кудук огзига чодар,  
Нечук дерсан анингдекни биродар?!

Ва лекин амри маъруф айлаган мард,  
Ўзи бўлгай амаллик сохиби дард.

Агар омир эмас росих ишига,  
Качон таъсир этар ўзга кишига?

Агар олдингда тифле бўлса ногох,  
Ёнар ўтга тушарни билсанг огох.

Узатмас бўлсанг анга дасти алтоф,  
Нечук бўлгай мусулмонлигда инсоф?!

Бизингдек шарми йўк, инсофи иўк жисм,  
Бошинда магзи маъно йўк курук исм.

Ишимиздур риёву хийла, тазвир,  
Килур айгон сўзимиз кимга таъсир?!

### Кўзни харомдин юммокни баёни

Кел э мўмин, агар тарсанда бўлсанг,  
Кўзингни саклагил, хар канда бўлсанг.

Куйи бўлсин хамиша нуктайи чашм,  
Мабодо бўлмагай боло тушуб хашм.

Назар килгунча бад, эй нафси маъйуб,  
Тушуб кўз нуктаси кўр бўлгони хўб.

Саодатдур назар бўлса кадамда,  
Тажовуз айлагач, бўлса надамда.

Агар кон чашма бўлса чашма, эй мех,  
Хатарлик ерга тушгандин эрур бех.

На хушдур дийдаи тарсанда бўлса,  
Ва гар на косасидин канда бўлса.

Хатардин юм кўзинг, иълону хийфа,  
Нечукким юмди кўркуб Бу Ханифа.

Юраким соф эрур, деб урмагил лоф,  
Аларча бўлмагайсан, келтур инсоф.

Кароринг кўймасанг, элтиб кароринг,  
Олур шайтон зимоми ихтиёринг.

Бакосиз маъсиятларга бакосиз",  
Нечук ўз жонингизга ўт ёкосиз ?!

Баногох тушса номахрамки кўзга,  
Икинчи бокмагил зинхор у юзга.

Икинчи чунки шахватдин хатардур,  
«Нихоя»ким китоби мўътабардур.

Деди ким бокса номахрам юзига,  
Куярлар тонгла кўргошин кўзига.

Битибдур «Ширъа»да ул сохиби базл,  
Киши ким килса номахрам била хазл.

Анинг хар бир сўзига, эй хирадманд,  
Бўлур дўзахда то минг йилгача банд.

Агар ул илтизом этса харома,  
Таки ул нусхада тортилди хома.

Киёмат кунга доругир этарлар,  
Ани шайтон била занжир этарлар.

Лаъин шайтонки бўлгай душмани шах,  
Анинг бирла бўлур мадхули дўзах.

«Хулоса»ву «Хизона», «Шархи Аврод»  
Битибдур балки чандон нусхада ёд.

Жувон хотунки номахрам эмишдур,  
Салом этмак анга мамнуъ демишдур.

Бериб бўлмас, жавоб этса саломи,  
Эрур аврат анинг савти каломи.

Жувон хотунки аврат бўлса овоз,  
Кабохатдур киши ким бўлса дамсоз.

Гараз, э одамий, сакла ўзунгни,  
Ки номахрам сари солма кўзунгни.

Ки номахрам сари бокгунча бекил,  
Бех улким кўзларига тортсалар мил.

Бу дунё мили ўггай бир замонда,  
Киёмат милидин тутгай омонда.

Киёмат кун ажаб, шиддатли кундур,  
Гунохкор одам ўгли сарнигундур.

Кизар кўб фарки сар иссигда чун тос,  
Бўлур саргашталар парвонадек нос.

Тегар ўтдек оёғ остида туффроғ,  
Бўлур юнгдак замин устидаги тоғ.

Бўлур кўп халк ўзининг жонидин сир,  
Бу гамдин токи гўдаклар бўлур пир.

Ёшурмок бўлса кайси рўсиёхлик,  
Илик сўзлаб, оёк бергай гувохлик.

Тамом аъзолари даъво килурлар,

Халойик олдида расво килурлар.

У кун даъвосини хеч дафъи бўлмас,  
Пушаймон бўлгай, аммо нафъи бўлмас.

Анингдек вокеалардин бурунрог,  
Ўзингни айла гафлат хамридин сог.

Пушаймон бўлсанг ул килмишларингдин,  
Дилу жон бирла ёнсанг ишларингдин.

На бўлгай ким кабул этса Худойим,  
Киёмат шиддатин килса мулойим.

Каю кулни Худойим килса мамнун,  
Бўлур йўлбошчиси Пайгамбар ул кун.

Бошида соя бўлгай Арши аъзам,  
Фаришталар кўнгил бергай дамо—дам.

Иноятномасин кўлга олурлар,  
У кунни ўтганин туймай колурлар.

Илохи, айла мухлислар билан ёд,  
Бу кулни айлагил, ул Кундин озод.

### **Хикояти Шайх Бастом**

Қаригон палласида Шайх Бастом,  
Ўзидин соате кетти бир окшом.

Ўзига келди эрса, айди ахбоб:  
«Нагу бўлди мунунгдек, э дурри ноб?»

Деди: «Болиг бўлур холатда бир рох,  
Кўзумга бир жамила тушди ногох.

Ениб бори дигар солдим нигохим,  
Чикиб эрди эсимдин ул гунохим.

Эсимга тушди холо ул назора,  
Юрагим бўлди кўркуб пора —пора».

Муборак отзидин кўп томди кони,  
Ўшал хавф ила охир чикти жони.



Мунунгдек йигласа андок неку рой,  
Бизингдек рўсияхни холига вой.

Хамиша завкимиз айшу кулушга,  
Етушмас эрта килгон тавба тушга.

Ўтар дунё ишин тутдик мукаддам,  
Гунох айникса кўб, кўркинчимиз кам.

Худовандо! Ўзунгсан Олими гайб,  
Мане мискиндадур хеч сони йўк айб.

Гунохи бенихоят бандадурман,  
Бу кўб шарр манда чун шармандадурман.

Абас бирла кўлумдин кетти вақтим,  
Амал меҳрин ёшурди абри мактим.

Жаримам беадад бўлса агар чанд,  
Хижоби магфират ёп, эй Худованд.

Ювиб раҳмат билан важхим корасин,  
Насиб эт барча неъматлар сарасин.

### **Худони неъматларига фикр айламокни баёни**

Кел э озода, вокиф бўл кўнгилга,  
Кўнгил йўлбошчидур курбатли йўлга.

Тафаккурнинг кушин хеч килма гофил,  
Палагда бўлмагай то байзаи дил.

Тафаккур мурги доим бўлса дамсоз,  
Умид улдурки андин учса шахбоз.

Анингдек боз ила чун айласанг кайд,  
Кўнгил кушларини килса бўлур сайд.

Кўнгил хар гох салохиятда бўлса,  
Топар банда каю ниятда бўлса.

Хама аъзо раиятдур, кўнгул—шоҳ,  
Омонлиг бўлгуси шоҳ адлидин роҳ.

Агар султон ўзи килса ёмонлиг,  
Қачон бўлгай раиятда омонлиг.

Кўнгил жўш этмаса, кўз бўлмагай нам,  
Чикарму сув кудукка, тошмаса ямм.

Эшитгансан ани —дилдур назаргох,  
Назаргохдур кўнгил, бир бўлса хар гох.

Югурса ул кўнгилким хар тарафга,  
Качон лойик бўлур мундог шарафга?

Кўнгил дарсини дерлар, хуш сабакдур,  
Тамоми маърифатдур, ганжи Хакдур.

Кўнгил дарсин савол этдим бир эрдин,  
Талаттуфдин деди: «Сўрма бу ердин.

Била олманг бу шарбат тотмагунча,  
Ўзунгни яхшиларга котмагунча».

Агар Они унутса, банда оне  
Тирик эрмас, агарчи бўлса жоне.

Кўнгил бурчинда шфлат илллати пур,  
Даъвом улдур — давом этса тазаккур.

Ўшал дамни «надам» дер ахли маъни,  
Огиздин чикса гафлат бирла яъни.

Кўнгул анда камиша, кўл хам иша,  
Качон бўлгай мунингдек яхши пеша.

### **Бандаи мўмин ишқда харис бўлмокни баёни**

Кел э содик, хариси ишки Хак бўл,  
Кўнгил ёрони бирла хамсабак бўл.

Агар кезсанг тарики маърифатни,  
Муяссар айласанг турлук сифатни.

Макомоти хакикат айладинг тай,  
Кўнгилда бўлмаса жузъ хиллати Хай.

Буруягидин зиёда дур талаб бўл,  
Агар дарёлар ичсанг, хушклаб бўл.

Бу йўлнинг чунки кеч поёни йўктур,  
Агар етдим десанг, имкони йўктур.

Десанг кар лакза: «Оллокумма зидни»  
Деди Хак чунки: «Фатлубни тажидни».

Талаб амрин эшитса, банда Рабдин,  
Ўзин билган қачон қолгай талабдин?

Набидин йўқ кишини қурби боло,  
Ани айди «хабибим», Хак таоло.

Анга кам айди Хак: «Қул Робби зидни»  
Қўярму ўзгалар бу жаҳду жидни?!

Сучук жон шарбати, то бўлса лабда,  
Керак ким, бандаси бўлса талабда.

Белингни қуввати борда олиб бел,  
Қўнгил. богин сугор, келмай туриб сел.

Етар йўл юргали, холоки, холинг,  
Юра кўр, бир куни кетгай мажолинг.

Юрарга қолмаса вақтики дармон,  
Эмакла, қолмасун то ичда армон.

Эмақлар қуввати ҳам кетса қўлдин,  
Ўзингни судра харғиз қолма йўлди.

Етушмас судралурга ҳам мажолинг,  
Қўзинг тик йўлга то еттунча холинг.

Қўзунг ҳам бўлмаса бўлсун қўнгилда,  
Бу матлаб бирла жон чикса бу йўлда.

Агар мундоғ талабда чикса жонинг,  
Уланса бокига бу жисму фонинг.

Умид улдур — Худойим деса банда,  
Тилаган мақсадингни берса анда.

### **Мўмин банда доим хавфу ражода бўлмоғи**

Кел э хоиф, ўлумни ёдин эттил,  
Кетар манзилни истеъдодин этгил.

Лабин термай туриб марқад лабин халқ,  
Қўярсанму тафаккур бобини галқ.

Йигиб хима вахима килмай анда,  
Ётибсан устида гафлатли банда.

Ўлумни ўки тургондур суёниб,  
У ёниб ўртамай, кочгил уёниб.

Уёнмасдин бурун ўртансанг, эй кул,  
Мабодо бўлмагай кулл ишларинг кул.

Бурунга боди гам эсмай бурунрог,  
Ўзингни кил хавас сакронидин сог.

Ёпишмасдин бурун сўнгакинга пўст,  
Ўлум бирла ўзингни айлагил дўст.

Якин бил, кимни кўпрок айласанг ёд,  
Бўлур дўстунг сани, эй одамизод.

Билур хар одам ўгли бўлса уйгог,  
Ватаннинг аслидур бизларга туфрог.

Якин билгил, жахони пурхатарга,  
Келибмиз неча кун савдо этарга.

Етушгач ушбу шахри мухтарафга,  
Ёйилди корвоне хар тарафга.

Ўзин билганлариким йўлга солди,  
Хаёлсиз накди умрин кўлга олди.

Уруб яхши дўконлар узра бошин,  
Муяссар килдилар тоат кимошин.

Килиб савдоларини чобаку чуст,  
Сафар рахтини боглаб, килдилар руст.

Качон юк кўй деса, тайёр эрур зод,  
Кирарлар йўлларига хурраму шод.

Ва лекин корвондин баъзи инсон,  
Кўрар бул фони уйни боги хандон.

Кўруб яхши ани накшу нигорин,  
Унуткайлар ўшал келган диёрин.

Кулок солгай таганнию навога,

Кўнгил бергай хавас бирла хавога.

Ажаб маккорадур дунёи фони,  
Минг алвон жилва бирлан алдар они.

Ўшал маккораким солса кўиунга,  
Суюнгандин кирар шайтон ўйунга.

Кирар инсон ани ёлгон сўзига,  
Югуртур сурмайи гафлат кўзига.

Гахи уйғониб уйни эсласа ёд,  
Талаттуф бирла дер: «Эй одамизрд,

Ошукма, бир куни савдо килурсан,  
Бу кун гар бўлмаса, тонгла килурсан».

Бу ол ила ўша маккорайи дин,  
Адо килгай жамиъи накди умрин.

Адо килгоч, бисоти умрини пок,  
Берур рухсат кошидин чусту чолок.

Урар сила ва дер: «Кетгил бу ердин,  
Дегай, безор эрурман сандек эрдин».

Назар килмас фиғону ноласига,  
Урар шатта ани дунболасига.

Амири корвон ул дамда етгай,  
Анга асл ватанни кукмин этгай.

Фиғон айлар, кетарни билганим йўк,  
Кетарга тўша пайдо килгоним йўк.

Фиғон суд айламас, аммо у касга,  
Качон мухлат кўярлар бир нафасга.

Кўюлмай эркига судраб ёкадин,  
Чикорурлар жахони бебакодин.

Кейин кайтай деса, бўлмас мажоли,  
Кетар асли ватанга дасти холи.

Будур, эй одам ўгли, хасби холинг,  
Бошингдин анча ўтган моху солинг.

Кулакка тикма гафлат латгасини,  
Ема шайтони малъун шаттасини.

Суюнма, гар сени дунё суюбдур,  
«Суюбман» деб, кўзунга кум куюбдур.

Кима кўрсатди бул фони вафони,  
Азалдин душмани жон билгил они.

### **Умринг фонийлиги баёнида**

Кел э мўмин, якин билдинг кетарни,  
Хисоби умри бесомон ўтарни.

Ўтар дунё учун бўлма гирифтор,  
Ўлумса йигмагил монанди кафтор.

Агар дунёга хирсинг бўлса фажсан,  
Нажосатни йигарга калхамажсан.

Эсиз, умринг нажас йигмок рахйнда,  
Колурсан бир куни охир тахинда.

Ўрамчидек хамиша тор этарсан,  
Каноатсизлигинг изхор этарсан.

Килурсан риштаи жонинг била кайд,  
Магасдек, мўрдек килмок учун сайд.

Супурса сохиби хона баякбор,  
Ўрамчи хам кетар, хам сайду хам тор.

Колибсан танга деб, ахволи танга  
Машаккатлар бошингда ранга —ранга.

Югурма жийфа кўб йигмокка йил—ой,  
Бўлай деб бой, бисотинг бермагил бой.

Якин билгил шуни, эй сохиби хол,  
Харис эрмас зиёд этгон била мол.

Харис улдур, агар дунёйи фони,  
Йигай деса мухаббат бирла они.

Агар бўлса кишида моли сахли,  
Кўнгул берса эрур дунёнинг ахли.

Бисотида бир арпа курси бўлса,  
Ани дун ахли бил, гар хирси бўлса.

Кишининг кўнглида бу фони бўлса,  
Эрур дунё эли бир дони бўлса.

Агар бир кулда юз харвори зардур,  
Агар бўлмаса меҳри, безарардур.

Агар минг кўза тилло тушса кўза,  
Качон давлат билур, ахли дил ўза.

Каюдур меҳри йўк эрнинг нишони,  
Буюргон жойига сарф этса они.

Деса, меҳрим йўк, аммо тутса маҳкам,  
Эрур ёлгончи ул фарзанди одам.

Киши молики беэҳсон эмасдур,  
Худонинг фазлидур, дунё эмасдур.

Дема дунё, чирोगи охиратдур,  
Худойимдин нишони магфиратдур.

Бизоат бўлса хам кам, айла инфок,  
Узумдур барги кам раздин сучукрок.

Керак ахли карам халк эттали жамъ,  
Ўзини дамбадам кам этса чун шамъ.

Кишининг эътиқоди бўлса солим,  
Демас, гўру кафанликдур бу молим.

Не гам, иймонли кулнинг ўлганида,  
Танида бўлмаса уч газ танида.

Саломат ўлса иймони билан кас,  
Агар орий кўмулса, ори бўлмас.

Карамлик бандаси гар бўлса чўлда,  
Ичар сув бўлмаса бир зарра кўлда.

Кўпуб ўлтурғали колмай мажоли,  
Халокат палласига етса холи.

Агар кўз ёшича сув тобса анда,

Килур ярмини эхсон яхши банда.

Топилса лукмае, жону жигардин,  
Дариг этмас ани ёру дигардин.

Карамлик бандага ёлгуз еган ош,  
Бўлур хок огзида, балки бўлур тош.

Шакар нўш этса ёлгуз, топмагай бахр,  
Бўлур кон огзида, балки бўлур захр.

Каро сув ичсалар икки биродар,  
Курар шарбатча, балки оби Кавсар.

Ики хамдил еса, бир лукма нондин,  
Сучук билгай асалдин, балки жондин.

Киши нондек килур эхсонда хўйин,  
Олур танур ичинда обрўйин.

Кизил юзлук бўлиб чиккон замони,  
Тушар халк огзига эхсони они.

Кулуб мехмон кошига чикгил, эй кул,  
Шажар мевадин олдин кўрсатур гул.

Агар эхсон этар бўлсанг, эшит, харф  
Ани хам жойига килмок керак сарф.

Билиб бер жойига кадди яминни,  
Зироат айлама, шўра заминни.

Емон ерга ани сарф этма бори,  
Бўрини йирторига берма ёри.

### **Нафси шум баёнида**

Кел э кас, бўлма акнун тобеи нафс,  
Сўлур ахшом сабо бу гардани гафс.

Хама тоатларинг хўбию софи,  
Якин билсанг, эрур нафсинг хилофи.

Кўяр кажликка доим нафси бад юз,  
Качон ўт туз ёнар, ёлборсанг ўпуз.



Эрур нафсинг димоги турфа еллик,  
Качон эллик килур, ёлборсанг эллик.

Ўзунг паст айласанг, нафсинг забардаст,  
Бошинг чайнаб солур чун уштури маст.

Бурунга боди кибр эсмай бурундин,  
Бурундук сол анга, кўпмай ўрундин.

Риёзат бандига беркит оёгин,  
Кўтарма бошидин такво таёгин.

Йикилиб колмагудек бер емишни,  
Зиёда айла кам —кам каттиг ишни.

Кўюб андозаи холича юкни,  
Ибодат йўлига кўндур бу лукни.

Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,  
На бўлгай, мутмаинна бўлса бир кун.

Семиз кўб килма бу тишлар итингни,  
Кутуриб ёрмагай ногох бетингни.

Йилонни асрадинг неча йил они,  
Улуг бўлгон сари ўсти зиёни.

Ўтубдур кўл била бўйнин тутардин,  
Хатардур куч килиб бошинг ютардин.

Етибдур кўйголи кўксин юзунга,  
Кима дерсан, ўзунг килдинг ўзунга.

Дило, кўб, холи хам тутма ўзўнг суст,  
Белингга богла химмат фўтасин руст.

Таваккул сайфини сидк илкина ол,  
Кил ични холис, андин сўнг килич сол.

Таажжуб билма фазли бебаходин,  
Халос этса мунингдек аждаходин.

Гараз —мундог адувни килма фарбех,  
Агар келса кўлунгдин катъи сар бек.

Семурса нафс агар ичмак — емакдин,

Юз онча эт олур яхши демакдин.

Яна юкори ўтмакдин олур бахр,  
Бу нафси жохла дунёйи бадкахр.

Ўтарман деб, ўтарда бўлмагил шод,  
Ўтунг дейдур, ўтунг олгай бу жаллод.

Киши билса ризо шахдини завкин,  
Билур бирдек мажолис тахту фавкин.

Турар ўз холида бисёру камда.  
Юрушин бузмагай хеч шоду гамда.

Киши кўрса Худодин жузву куллини,  
Билур хайрият ул иззату зуллини.

Эрур холо, ки тавба боби мафтух,  
Ёмон нафсингни килгил тобеи рух.

Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,  
На бўлгай фоида, етмиш ёшингдин.

Агар нафсинг муродин истамаксан,  
Агар саксанга умринг етса, сак сан.

Азал кундин агарчи хавфи йўксан,  
Агар тўксонга етсанг, кўнгли тўксан.

Азалдин килса кимнинг кўнглини реш,  
Дегай ўш беш ёшин кўб, балки ўн беш.

### **Банда ахдида турмоги баёни**

Кел э содик, ки килдинг сидк лофин,  
Ўланча килмагил ваъда хилофин.

Хилоф этган забунлардин забундур,  
Бу дунёву у дунё сарнигундур.

Халойик олдида кўтах забондур,  
Худо даргохида андин ёмондур.

Хилоф этсанг агар айгон сўзунгдин,  
Кўтар эркаклик отини ўзингдин.

Додук кийгочи дасторингдин ортук,  
Санинг йўк бўлгонинг борингдин ортук.

Чикармагил огиздан килмас ишни,  
Килурман дема, кўлдин келмас ишни.

Огиздин чикса сўз кайтармагил кош,  
Агарчи кетса хам, ул сўз учун бош.

Керак, эрман деганни ваъдаси туз,  
Агар туз бўлмаса, андин кўнгил уз.

Якин билгил, ки тузликдин асони,  
Эранлар олдилар ўнг кўлга они.

Хусусан туз керак, эр эътимоди,  
Бўлурми эгри хеч масжид имоди?

Сўзин бузгон киши бузмасму иймон,  
У кимса бирла килма ахду паймон.

Сўзин бузгон кишини яхши эрлар,  
Кусиб, кайта ани ичганча, дерлар.

Каю тоййиб китпи ичгай кайидин,  
Тириксан, колмагил ахдинг пайидин.

Мабодо узсанг акволинг, укудинг,  
Тўкулуб колмагай йиггон нукудинг.

### **Хикояти Исмоил алайхиссалом**

Халил ўгли, ки Исмоилдур, эй Саъд,  
Ани ёд этди Тангрим содикул—ваъд.

Анинг содиклигин, эй одамизод,  
Килибдур бир хикоят килгучи ёд.

Борур эрди ўшал шах бир тарафга,  
Йўлукти мўмине ул бошарафга.

Деди: «Турсанг бу ерда, эй неку кор,  
Уйимда, яъни баъзи ишларим бор.

Бориб келсам, кўшулсам сизга минбаъд».  
«Турай»—деб ваъда килди содикул—ваъд.

«Келурман» — деб кошидин кетган ул кас,  
Унутди ваъдасини, бўлди келмас.

Килибман ваъда деб, ул сохиби роз,  
У ерда олти йил ўлтурди киш —ёз.

Ўшал ваъда унутконнинг гузори,  
Етушди олти йилдин сўнгра бори.

Ўшал ваъда учун тургонни билди,  
Уят боди билан тутдек тўкулди.

Огиздин дафтари аъзорин очди,  
Дурри ашкин оёк остига сочди.

Забикуллох анга лутф этди чандон,  
Эди чун гунча гулдек, бўлди хандон.

Сучук тилни анга сарф этди чун бол,  
Ана ваъда, ана афву, ана хол.

Кишини ваъдаси ким бўлмаса рост,  
Мухаббат ахдин андин килма дархорт.

Ишонма айгонига, эй хирадманд,  
Агар чанди ки ул ёд этса савганд.

Сўзин бузгон киши, бузмасму иймон,  
У кимса бирла килма ахду паймон!

Агар тузлук била барпо бўлурсан,  
Алифдек жон ичинда жо бўлурсан.

Агар каж бўлса афъолинг бу дундек,  
Колурсан, балки кон остинда нундек.

Килич бошинга келса, айма ёлгон,  
Ўлумдиндур батар, чунки уёлгон.

Агар ёлгончиликда ўтса отинг,  
Киёмат кун нечук бўлгай уётинг?

Нажас мурдор эмас ёлгончиликдин,  
Мусулмонликда шарм эт, бу киликдин.

Шариат хукми бирла, эй неку рой,

Гахе чин сўзни хам кўнглунга кил жой.

Намимани ёмон айди шахи дин,  
Сухан чин бўлса хам бўлма суханчин.

### **Яхши хамрох баёнида**

Кел э озим, агар бўлсант сафарда,  
Рафике тоб тарики пурхатарда.

Керакдур эр кўнгуллик яхши хамрох,  
Рафокатга ярамас хар каю дох.

Нечук ким магзини жонда тутар пўст,  
Мухаббат йўлида андог керак дўст.

Ўзин кул, ёрини султони билса,  
Ўзини тан, рафикин жони билса.

Оёгига агар тегса тикони,  
Кадалгонча кўзига кўрса они.

Совук ел тегса йўлдошин юзига,  
Агар кўлдин келур, олса ўзига.

Анго келди деган тири балога,  
Килиб жонин сипар, тутса арога.

Ёмон йўлдош эрур чун мори афъи,  
Зарардин ўзга йўкдур зарра нафъи.

Ёмон бўлмай ва лекин бўлса номард,  
Куруг сурат эрур, килгил кўнгил сард.

Ўлукдур, бўлмаса хар кимда гўрда,  
Тирилмасдур кўтаргон бирла мурда.

Эмас эрнинг нишони решу олат,  
Нишони химмату гайрату холат.

### **Хикояти Саъиду Саъд**

Саъиду Саъд килди аҳди ёри,  
Сафар бўлди аларнинг ихтиёри.

Дилу жондек эди, ул ики оғох,

Казодин окдилар дарёга ногох.

Бирисин тутди маллахе, ўшал хол,  
Деди: «Кўигил мани, ёрим кўлин ол».

Муни кўйди, ани чун тутди мазбут,  
Бу хам айди: «Мани кўигил, ани тут».

Тамошо кил алардан ахди ёри,  
Ана кавли дуруст эрларни холи.

### **Хавфу ражо хусуснда**

Кел э тан, бўл хамиша илтижода,  
Давомул —умр бўл, хавфу ражода.

Кўтарма ҳеч ражову хавфдин раъс,  
Якин бил, куфрдур, хам амну, хам йаъс.

Санинг олдингда пайдодур ики йўл,  
Бири ўнг кўл сори боргай, бири сўл. .

Киши билмас Киёмат даштида, ох.  
Кетар банда ики йўлдин каю рох?

Агар сонсиз ато килса Худойинг,  
Беҳишти Адн эшигин сурса пойинг.

Кариш йўл колса жаннат этгали тавф,  
Бурунгидин зиёда айлагил хавф.

Наъувзу биллах, ул борган йўлунгдин,  
Агар кайтарса, не келгай кўлунтдин?!

Агар дўзах лабинда бўлса пойинг,  
Умид узма, ки Гофирдур Худойинг.

Ажаб эрмас, агар кайтарса андин,  
Насиб этса, беҳишти жовидондин.

Агар устингдаки етти табакни,  
Кезиб дарс айласанг, етмиш сабакни.

Малоикдек агар паррандадурсан,  
Якин билгил, ки охир бандадурсан.

Сани отингу зотинг банда бўлса,  
Нечук хавф этмасанг, жон танда бўлса.

Эрур кулнинг иши - кўркунчу зори,  
Кабул этмак Эгамнинг ихтиёри.

Агар афв этмаса, бечорадурсан,  
Каю йўл деса, анда борадурсан.

### **Хикояти Расули акрам соллаллоху алайхи васаллам**

Мухаммад ким шахи дунёву диндур,  
Сифоти «рахматан лил—оламин»дур.

Замину осмонни халку хайли,  
Яратилди ўшал эрнинг туфайли

Ўкурда бир куни Тангри китобин,  
Ўкуди анда дўзахнинг азобин.

Ул оят вахмидин кетди ўзидин,  
Йикилди ерга ул дамда юзидин.

Сахоба хар каю бир хола бўлди,  
Замину осмон дар нола бўлди.

Замондин сўнг кўзини айлади боз,  
Сахоба айдилар: «Эй махрами роз, \*

Сани халк афзали килди Худойинг,  
Мухайё бўлди жаннат ичра жойинг.

Сифотинг «рахматан лил—оламин»дур,  
Худодин мунча кўркунчинг надиндур?»

Деди: «Гарчи расули жузву куллман,  
Нечук хавф айламай, зеро ки кулман».

Агар юз минг башорат берса Борий,  
Керак кулдин ўшанча хавфу зорий.

Кишининг исми зоти бўлса банда,  
Бўлурму фарогийят кул деганда?!

### **Худонинг раҳматидин умидвор бўлмок баёни**

Кел э тан, бермагил вақтинги кўлдин,  
Югур дарёи раҳматга бу чўлдин.

Гуноҳим кўб эрур деб, бўлма маъюс,  
Ажаб эрмас, агар афв этса Куддус.

Дилу жон бирла тавба килсанг, эй ёр,  
Магар лутф айлагай, Доноийи асрор.

Агар лутф айласа, Саттори олам,  
Битар бир лаҳзада кори ду олам.

Абасдин эмди йиг лаб. титра йиглаб,  
Тила жону дилингдин раҳмати Раб.

Хавони паст этар ашқинг нужуми,  
Кавоқибдур шаётиннинг ружуми.

Юрак ёгин кетар бўлсун десанг боз,  
Килур кўз ёгини ич ёгини оз.

На давлатдур, келиб айбингга шарминг,  
Дили гарминг агар айрилса гар минг.

Худонинг хавфидин бир катраи ашқ,  
Азозил олдида чандон бўлур рашқ.

Саодатлик киши еб доимо гам,  
Кўзин Хак хавфи бирла килса шабнам.

Гараз, узма умид, эй толиби роҳ,  
Деди: «Ло такнату мин раҳматиллоҳ».

Ўтулмас чирки ширк, эй марди солиқ,  
Ўтар лутф айласа, «мо дуна залиқ».

### **Хикоят**

Эшитгил, фосике ёнди гунаҳдин,  
Пушаймон бўлди аҳволи табаҳдин.

Килур эрди ёмон нафсин маломат,  
Гуноҳдин муддате эрди саломат.

Ёмон нафси такозо килди ёна,  
Ёмонлиг оркасидин кетди ёна.



Сахаргохе, уёнди ул гунохсоз,  
Пушаймон ўлди килгон феълидин боз.

Бўлуб эрди дилу жони била нарм,  
Ва лекин килди бузгон ахдидин шарм.

Йўк эрди захраси тавба килурга,  
Якин етди юроки ёрилурга.

Нидое келди хотифдин ўшал хол:  
«Кейин бокма, ўзунгни илгари сол.

Хамиша магфират дарёсидур жўш,  
Даме обе ўшал дарёдин эт нўш.

Агар чанди ки буздинг аҳди баста,  
Неча тавба этиб, килдинг шикаста.

Дилу жонинг била чун айладинг ох,  
Эрур тавбанг санинг макбули даргох!)

Эшитди бул нидони мархаматнок,  
Уриб наъра, якосин айлади чок.

Ўзидин кечди ва ужбу риёдин,  
Худойим килди охир авлиёдин.

Тараххум бандага кўбдур Худодин,  
Умид узмак раво эрмас гадодин.

Якин бил, гарчи гофирдур Худованд,  
Анго хам бўлма магрур, эй хирадманд

Ўтар деб ётмагил конга бўёниб,  
Уёниб лутфига ўлтур суёниб.

Агарчи лутфи кўбдур, кахри хам бор,  
Бошинг гар кўкка етса, кулсан, эй ёр.

Сенинг олдингдадур чандон хатардин,  
Нечук гофил юурсан хавф этардин?!

Иноят килса Хак ўлган замонинг,  
Узулса нури иймон бирла жонинг.

Жавоби кабрни берсанг чу бехрок,

Киёмат кунга кўбсанг, юзларинг ок.

Тарозуга огир келса савобинг,  
Агар ўнг илгинга келса китобинг.

Жаханнам устидин ўтсанг саломат,  
Беҳишти жовидон килса каромат.

Булардин ўтмайин, эй одамизод,  
Нечук фориғ юрарсан, хурраму шод?

Жахон кулгу ери эрмасдур, эй кул,  
Магар бу кулл хатардин отласанг, кул!

### **Казога рози ва балога сабр айламак баёни**

Кел э банда, ўзингни сол Худога,  
Казога рози бўл, сабр эт балога.

Якин бил, банда бўлса асли исминг,  
Худонинг мулки бўлса жону жисминг.

Анингдур молу мулку, хар на бори,  
Нечук килса, Ўзининг ихтиёри.

Бўйунсунгил нечук ким килса фармон,  
Бўлурму бандада хужжату бурхон?

Киши ким бўлмаса рози казога,  
Агар сабр этмаса, келган балога.

Агар шукр этмаса, Хак неъматига,  
Қачон лойик бўлур банда отига?

Худога хар ишинг килсанг хавола,  
Бўлур жаннат бу ўлтургон кавола.

Кўнгилда колмагай дунё гамидин,  
Олурсан бахра хар ўтган дамидин.

Каю кулга муяссар бўлса бу хол,  
Агар огу ичар, билгай ани бол

Худонинг ганжидин бу бўлса яхши,  
Ризоҷў кул ани кўрмасму яхши?

## Хикоят

Гуломе олди Абдуллохи Ансор,  
Деди: Эй кул, отингни айла изхор.

Деди: Эй хожа, сен кўйсанг каю от,  
Манинг отим ўшалдур, эй неку зот.

Деди: Эй кул, севарсан кайси хўрак?  
Деди: Сандин не текса бехдур, эй пок.

Деди: Кайси кийим кўнглунгда маргуб?  
Деди: Сан кайсини берсанг ўшал хуб.

Деди: Эй кул, надур касбингу коринг?  
Деди: Хар кайси бўлса ихтиёринг.

Деди: Бори килурсан кай хунардин?  
Окузди ашкин ул кул чашми тардин.

Деди: Эй яхшиларнинг шахриёри,  
Бўлурми кул деганнинг ихтиёри?!

Агар амр айласанг, хар кайси юзга,  
Надур чорам, бўиунсунмокдин ўзга.

Эшитди хожа ул кулнинг сўзини,  
Йикилди, ерга ва урди ўзини.

Якосин чок этиб дер эрди анда:  
Эй Абдуллох, ки кўрдунг феъли банда.

Ўзунгни сол Худога жузву кулдин,  
Тарики бандалик ўрган бу кулдин.

Факирларни хакир кўрмамак баёни

Кел э нозир, мусулмон бўлса хар ёр,  
Назар килма хакорат бирла зинхор.

Факирни билма кам дунё элидин,  
Хадисе келди Пайгамбар тилидин.

Деди: «Ал—факру фахрий» яъни ул шох,  
Нечук ортик кўрарсан хашмату жох?!

Амалдур яхши кулларнинг камоли,  
Вараъдур хашмату жоху жалоли.

Эмас дунёси бўлгон бирла махбуб,  
Хисоби охират кам бўлгони хуб.

Агар бех бўлса бўлгон бирла моли,  
Ки Корун бўлгай эрди ахли холи.

Кувонди неча кун дунё уйига,  
Юборди моли бирлон ер куйига.

Агар дунёси йўқдин бўлса эр хор,  
Мухаммадга Билол бўлмас эди ёр.

Мухаммад ким набийларга эди тож,  
Ато килди Худо ул кеча меърож. ,

Макоми Сидрага етди у банда,  
Билол наълини савти келди анда.

Балойи фокага сабр этган инсон,  
Диёнат мулкидадур марди майдон.

Агар чанди ки бўлсанг бебизоат,  
Сулаймонсан агар килсанг каноат.

Каноатдур кўнгилларнинг сафоси,  
Каноат барча иллатнинг давоси.

Каноат ким табиби хар касалдур,  
Каноат ахлига огу асалдур.

Бировнинг хукми етса шарқдин гарб,  
Бировнинг бошига мўре килур харб.

Ажал жаллоди кўксин айлагач чок,  
Килур хар иккисин бирдек каро хок.

Бировнинг нукрайи тиллоси мул—мул,  
Биров кўргани йўк умрида бир пул.

Муни муфлис демас, тонгла ани бой,  
Бўлур хар кайсига зери лахад жой.

Биров ўткарди умрин айш ила фош,

Биров тоткони йўк огзи тўла ош.

Ажал жон аччигин кўрсаттач андак,  
Бўлур хар иккаласи кўрмагандак.

Бировда бўлса доим меҳнату дард,  
Бировнинг кулфати бўлмаса бир гард.

Алар бўлса ўлумнинг мубталоси,  
Бўлур ҳеч кўрмагандек хар иккалоси.

Гараз, хар кайда, эй фарзанди одам,  
Ема харгиз ўгар дунё учун гам.

Хиёнатдин йирок бўлмок баёни

Кел э комил, камол этсанг диёнат,  
Кишига килмагил харгиз хиёнат.

Хиёнат ким келур кўлдину кўздин,  
Оёгдин, узви пинхондину сўздин.

Муни билгай жамиъи одамизод,  
Эмас хожат, ки бир —бир айласам ёд.

Хиёнат ким эрур пайдо кўнгилдин,  
Муни англа, диёнат берма кўлдин.

Наким тушса кўнгулга ё кўзунга,  
Раво кўрмасанг ул ишни ўзунга.

Раво кўрсанг мусулмонегани они,  
Муни дерлар хиёнатнинг ёмони.

Каю ишга ризо бўлсанг кўнгулда,  
Агарчи килмадинг, бўлдинг у йўлда.

Эрур исён ризоси чунки исён,  
Ризойи куфрдур —куфр, эй мусулмон.

Мусулмон ўглини кўрсанг кўзингдек,  
Зарарда, нафъда билсанг ўзунгдек.

Каю кулни мунунгдек бўлса холи,  
Будир бешак мусулмонлиг камоли.

Агар чанди ки бўлса шубхаи кам,  
Раво кўрсанг ани ўз нафсинга хам.

Раво кўрма мусулмонегга зинхор,  
Агар кўрсанг баногох, айла изхор.

Хусусан, бермагил такволик эрга,  
Мугилон сепмагил, райхонли ерга.

Такийнинг кўнглидур дорус — сиёнат,  
Сиёнатхонага килма хиёнат.

Агар топилса неъмат олдига соч,  
Ва гар бўлмаса, огзинг узр учун оч.

Агар минг халта берсанг, хилти кўб зар,  
Санго андин нечук суд, эй биродар.

Агар берсанг аригдин катраи об,  
Эрур чандон савобдур, эй дурри ноб.

Кишига берса ким моли хароми,  
Умид этса савоб, ул марди оми.

Бўлур кофир умид этган ул инсон,  
Билиб, олиб, дуо килгон хам ул он.

Хиёнатнинг бири ким бўлди мавсуф,  
Билиб, килмаса хар ким амри маъруф.

Ва гар нахй этмаса мункар ишини,  
иёнатлик дегил, андог кишини.

Биров йўл билмайин юзланса чўлга,  
Билиб сан солмасанг гар яхши йўлга.

Каю инсоф эрур, кайси диёнат,  
Эрур андог улуг бухлу хиёнат.

Агар олдингда тифле бўлса ногох,  
Ёнар ўгга тушарин билсанг огох.

Узатмас бўлсанг анга дасти алтоф,  
Нечук бўлгай мусулмонлигда инсоф?!

Жамиъи бандаи мўмин саросар,

Эрурмиз бир — биримизга биродар.

Биров чикса тарики охиратдин,  
Ўгурса юз макоми магфиратдин.

Агар кўрсатмаса йўл кўрган инсон,  
Бахиллик мундин ўтмас, эй мусулмон.

Сен айгон сўнгра туз бўлмаса холи,  
Ўзининг бўйнига бўлгай ваболи.

Очибдурсан биродарликни бобин,  
Топибсан амри маъруфнинг савобин.

Агар келмаса кўлдин ё тилиндин,  
Ёмон кўр ул ишин жону дилиндин.

### **Жувонмардлик нишони**

Кел э инсон, агар бўлсанг чин эрдек,  
Огирлик пеша кил дунёда ердек.

Агар тепса сани хар кайси мавжуд,  
Зиён килма, таки еткур анга суд.

Юракинг килсалар охан ила чок,  
Чикар олдига турлук неъмат пок.

Агарчи олама сандин тегар нафъ,  
Ўзингдин килма туффрог отини рафъ.

Отанг ердур, санам ердек килик кил,  
Ёмонлиг айлаганга яхшилик кил.

Киши тош урса боша, эй хужаста,  
Кулуб бокгил юзига, мисли писта.

Бу синдурмокга дилтанг ўлма зинхор,  
Умид улдур ки хуш кўргай харидор.

Оёк остида колдим деб, дема вой,  
Бўлур чин коса, кўб тепку еса лой.

Агар душманга дўстлуг килсанг изхор,  
Бошинг ёргон кишиларни десанг ёр.

Ризо мулкида тамкин айлаган нос,  
Жафо олмоси тегса, каттик олмас.

Демас осиб ани, халк урса осиб,  
Ва ё меҳнат жиболи ётса босиб.

Жаҳолат аҳли килмас кина таркин,  
Качон дар кин бўлур, гар бўлса даркин.

Агар рози, еса минг зарбаи яд,  
Дуони харгиз анго килмагай бад.

Зарарга рози бўлмас харгиз акмал,  
Хидоят бирла тавфикин тилар бал.

Сўлур кин гардидин холат жамоли,  
Кетур гардин, керак гар дин камоли.

### **Ухуд тогида бўлгон мухораба**

Ухуд тогида Пайгамбар тишини,  
Шахид этди яна етмиш кишини.

Ажаб кун тушди мўминлар бошига,  
Умар келди Паямбарни қошига.

Деди йиглаб: «Аё султсни аброр,  
Дуо килгил, кирилсун барча куффор!»

Ва лекин килмади ул даъвати бад,  
Хидоятга дуо килди Мухаммад.

Ўшал рўзе ки анбух эрди куффор,  
Абу Суфёну Холид эрди солор.

Ижобат бўлди Пайгамбар дуоси,  
Мусулмон бўлдилар хар иккалоси.

Ул икки эр билан кўб аҳли тугён,  
Ухуд кофирлари бўлди мусулмон.

Чу Холид олди диннинг шахдидан бахр,  
Мусулмон бўлдилар илгинда минг шахр.

Ирок ила Дамашку, хиттайи Шом,  
Абу Суфён кўлида топти ислом.



Мухаммад олди олам хулки хушдин,  
Муяссар килмади олтун кумушдин.

Агар сан марди сохиб химматисан,  
Расулуллохнинг хос умматисан.

Тутарсан жон ила феъли набийни,  
Килурсан хар махалда пайравини.

### **Хикоят**

Бахоул—Хак вад —дини тоба масвох,  
Авонега йўлукдилар баногох.

Авон бир сўз деди, ул банда бир сўз,  
Авон кўиди ёмонлиг кўиига юз.

Юзига солди камчин марди холи,  
Кизил кон бўлди сунбулдек соколи.

Ўшал конлик соколин олди кўлга,  
Деди: «Ё Раб, муни сол яхши йўлга.

Газаб килма анго, килгил иноят,  
Мухимми ухравийсин кил кифоят».

Бу сўзни англади ул марди бебок,  
Уруб наъра, якосин айлади чок.

Юзини ерга суртиб, нола килди,  
Кўзининг ёшини чун жола килди.

Олиб химмат асосин, кирди йўлга,  
Кўлин топшурди ул химматли кулга.

Худо ул бандага килди иноят,  
Неча кун ўтмайин тогги валоят.

Ана хулку, ана хилму, ана хол,  
Ана давлат, ана нусрату икбол.

Ана химмат, ана хуллаат, ана кор,  
Ана табъиййати султони аброр.

Ёмонларнинг ишидур кина тутмок,  
Мусулмонлик — ёмонликни унутмок.

Ўзининг нафсини кам айлаган нос.  
Хамиятда керак чун каттиг олмос.

Хамият бобиди ўткармагай мард,  
Агар чанди ки ул иш бўлса бир гард.

Хамият кайсидур билсанг батаъйин,  
Назар айла китоби мужтахидин.

### **Эшон Сўфининг ёронларига видо килганлари**

Биродарлар ки бизга килдингиз ахд.  
Олурмиз деб мухаббат жомидин шахд.

Топилмас бандада сиз истаган хол,  
Очилмас осийдин сиз айгон ишкол.

Талаб килманг, бу нокисдин каромат,  
Кушуфоту, макомату, аломат.

Била олмам нихоний тарбиятдин,  
Олиб эрдим илик нафсониятдин.

Пушаймонман паришон ўткан ишдин,  
Бахору тийра моху ёзу кишдин.

Пушаймонман илик олгонларимга,  
Тамаъ нонига кўл солгонларимга.

Боринг эмди, ёронлар, хар каёна,  
Юрунглам бир мукамал эр таёна.

Куруг кўл олгонимдин дар изоман,  
Азизе истангиз, сиздин ризоман.

Мани деб колмангиз ўз корингиздин,  
Уётлигман сизинг рухсорингиздин.

Бохилл айланг, келиб кетгонингиздин,  
Елиб — югриб умид этгонингиздин.

Кечурмас бўлсангиз ман кулдин, эй кавм,  
Менинг холимга мушкулдур, сабо явм.

Тониб мандин, таниб авроъ кишини,  
Тутунг махкам анинг кутлуг ишини.

Керак муршид деган, монанди уммон,  
Муборак ботини пур дурри маржон.

Жахолат даштидин ким келса сувсоб,  
Анинг зохир сувидин бўлса сероб.

Агар бўлса киши ким толиби дур,  
Чўмуб ботинга, жайбин айласа пур.

Деманг, топилмагай бу нашъалик кас,  
Жахон айвони кенгдур, холи эрмас.

Топилгонда мунунгдек лужжаи хос,  
Кани, ихлоси кўб химматли гаввос?!

Чўмуб олгой илига дурри максуд,  
Ва гар на кўл солиб, кочмок нечук суд?

Агар сиз топсангиз бир яхши шахни,  
Хабардор айлангиз ман рўсияхни.

Килай ман хам юзин кўнглум зиёси,  
Кадам туффрогини кўз тўтиёси.

На бўлгай сиз биродарлар пайидин,  
Манга хам берсалар вахдат майидин.

### **Эшон Сўфининг фарзандларига насихат килгонлари**

Таваллом улдур, эй фарзона фарзанд,  
Нигохдоринг сани бўлсун Худованд.

Қўзумни равшани Содик Мухаммад,  
Йирок бўлсун кўзингдин дийдаи бад.

Эшит, ман хастадин бири неча кавли,  
Йигитликка сани еткурса Мавди.

Ёмон юрма, ёмон андиша килма,  
Отангдек рўсиёхлик пеша килма.

Яратгон Тангрига килгил таваккул,  
Тамаъ килма кишидин биргина пул.

Тамаъ бир парча бўлса килмагил рой,  
Бўлур бир парчадин юз парча бежой.

Юзунгдин парда кам —кам бўлмасун паст,  
Хаёдин орий юзни ори бўлмас.

Тамаъ бирла семургон нафси гаммоз,  
Агар огзин тилар бўлсанг, тилар боз.

Никоби шарм очилмасдин бурунрог,  
Ани берк айла, хар ёкдин такиб бог.

Каноат кил, маломат мулки бўлма,  
Отангдек халку элга кулки бўлма.

Паямбарлар фиъолидур каноат,  
Анга вобастадур мажмуи тоат.

Белингни богла махкам, бўлма мафлуж,  
Кўзунг оч, карвоне килдилар кўч.

Белингни богла махкам бандаликка,  
Отангдек кўима юз шармандаликка.

Шарорат ахлининг пайванди бўлма,  
Хаво бирла хаваснинг банди бўлма.

Кичикликдин ибодатга бўйун кўи,  
Киёматни ўиун килсанг, ўиун кўй.

Ажаб хушдур, кичикликдин бўлуб сог,  
Бу кулмогни кўйуб, гамдин букулмог.

Шабобе тўкса кўздин хар шаб обе  
Ани айнин дегил, рахмат сахоби.

Риё гардини юктурма этакка,  
Отангдек бўлма тобеъ нафси сакка.

Тавозуъдин кўтарма юкори бош,  
Такаббур килмагил монанди хашхош.

Такаббур хотиринга келса филхол,  
Азозил киссасини ёдинга ол.

Кўнгилнинг манзилин кил гўшаи факр,

Киёмат зоди килгил тўшаи факр.

Жахоннинг хирсидин килгил ўзинг дур,  
Отангдек бўлмагил дунёга магрур.

Умид этгон кўзумнинг нури болам,  
Отангдек бўлмагил расвои олам.

Агар чанди ки бўлсанг кўл—канотлиг,  
Худо даргохида бўл мискин отлиг.

Уруглигман дема, тонгла уруг бор,  
Хисобу, номаву, вазну, сўруг бор.

Ўзингни айла кам, бўлгон сари кўб,  
Неча «ман кўб» деганлар, бўлди манкуб.

Бўлуб хешу таборинг бирла магрур,  
Дема «ман зўр» агар дин бўлса манзур.

Бу дунёдин агар ўтсанг куруг лаб,  
Кўнгилга солма харгиз ёди мансаб.

Ўтар дунёда кар ким бўлса динлик,  
Бўлур мансабдин ортук хўшачинлик.

Ажаб офат эрур жохи зарофат,  
Шар офатни била кўрма шарофат.

Билиб дунё макомин гайри маъмур,  
Бўлур зийрак «вазирақ» отидин дур.

Кўтарсанг бошга ортуг, бўлма ортуг,  
Бўлур маълум сабо урса малак буг.

Худодин хар не келса, айлагил сабр,  
Отангдек килмагил, ўз нафсинга жабр.

Худонинг амрига килгил итоат,  
Зиёд эт тоатинг соат—басоат.

Мухаббат фўтасини богла белга,  
Отангдек умринги ўткарма елга.

Хавас дунёда килма мухтарамлик,  
Ва ле бўл холинга лойик карамлик.

Агар уч кунда топсанг парчаи нон,  
Ема ёлгуз ани, ярмин кил эхсон.

Агар бир йилда пайдо бўлса бир пул,  
Емас ёлгуз Худони истаган кул.

Кетарни билса хар ким жойи танга,  
Емас танга гамин бу нафси ланга.

Жакон мехрин кўнгилдин айла зойил,  
Отангдек бўлмагил дунёга мойил.

Ишингни айлагил кун-кундин акво,  
Худони суйганидур ахли такво.

Агар такво ишин килсанг боихлос,  
Дегай, шояд, сани Хак «бандаи хос».

Агар бўлсун десанг, жону дилинг жамъ,  
Вараъ ойин бўлуб, илм ойин эт шамъ.

Агар илму амал бир бўлса ранги,  
Хар ойина кетар ойина занги.

Агар топсанг Худо даргохида курб,  
Мухаббат косасидин берсалар шурб.

Сахарлар кўб, кўтар дасти дуони,  
Тила мунглуг ато бирла онони.

### **Хотиматул-китоб**

Кел Оллоёр, сўз кўтох килгил,  
Белингни богла, азми рох килгил.

Каро сангдур санинг аслинг карасанг,  
Берибдурсан риё кони биладанг.

Улум тўфони бу сирни килиб фош,  
Агар ич бўлмаса, суд айламас тош.

Кариб жисминг қарийб бўлдинг хавасга,  
Нечук шармандалик сан тусли касга?

Окарди соч, надомат ашкини соч,  
Яконг ушла, дахани маъзират оч!

Ёлинг оки асар килмади холо,  
Уёла юр, бокиб хар дам уёла.

Хаво бирлан тузук иш килмадинг хеч,  
Бўлубдур кеч, хавас бозоридин кеч.

Санго айди ўшал пири кўхансол:  
«Агар кол ахлида топилмаса хол.

Амал кам айлагай ўз коли бирлан,  
Колур иззату хурмат оли бирлан.

Бўлур ортук хавас бирлан хавоси,  
Эрур хол ушбу иллатнинг давоси».

Калам килдинг, каро кўнглунгни кил ок,  
Ўшал эрнинг сўзин халка килиб ток.

Каро кон йигладим, туттум каламни,  
Туну кун эшитиб мандин оламни.

Ўзунг килмай кўнгил бозорини тай,  
Кишига сўзламак, то чанду токай.

Агар бўлса кўнгулнинг ихтиёри,  
На бўлгай, колса мандин ёдгоре.

Битибсан форсий тилда китобе,  
Тамом анда масойилнинг жавобе.

Хама фатвову таквонинг баёни,  
Ўн икки мингдан ортук байти они.

Дединг шайи калили Туркий тилдин,  
Кеч эмди, албатта, бу колу килдин.

Агарчи яхши сўз канду шакардур,  
Хатосидин вале хавфу хатардур.

Хатоси бўлмагай айгон сўзунгни,  
Тазарру хокига сургил юзунгни.

Худога зори килгил, эртаву шом,  
Ишингни пухта килгил, колмагай хом.

Хижоби магфират ёпгай хатога,

Сазовор айлагай турлук атога.

### **Муножот**

Холико, койилман ўз нуксонима,  
Кўб жафо килдим ўзимнинг жонима.

Зоти покингдан иноят бўлмаса,  
Хеч ишончим йўк амал килгонима.

Холико, килдим фиоли гандани,  
Килмагил расво мане шармандани.

Сан агар рахмат никобин ёпмасанг,  
Айби кўб, нуксони кўбтур бандани.

Холико, тўкдум ибодат тосини,  
Сан тузарсан банданинг кам — косини.

Куллариб булганса исён лойига,  
Окузарсан магфират дарёсини.

Холико, килдим гунохи бехисоб,  
Тонгла сан сўрсанг, не бергайман жавоб?

Ман очарман журму исён чехрасин,  
Сан ёпарсан афву рахматдин хижоб.

Холико, килдим гунохи беадад,  
Жон берур холатда Сан бергил мадад.

Нафси шайтон илгидин куткармасанг,  
Бўлди мушкил холимизга, ё Ахад.

Холико, ё аввало, ё охиро,  
Нафси шайтон жонима бўлди бало.

Гарчи Оллоёр ўгарчидур ёмон,  
Кўймагил душман кўлунда мубтало.

Холико, по ишларим бош айлагил,  
Хирмони рахмат манга чош айлагил.

Мунда тавфикиб — чирогим кўлга бер,  
Анда иймонибни йўлдош айлагил.



Холико, афв айла ўтган ёшима,  
Яхши кулларни ато кил кошима.

Гўр ичинда келса ики сўргучи,  
Анда сан раҳм айла ёлгуз бошима.

Холико, хайф ўтди моху солимиз,  
Бўлмади нофеъ ийолу молимиз.

Сан хисобимизни осон этмасанг,  
Рўзи махшарда не кечгай холимиз?!

Холико, кўнглумда дунёву дуни,  
Ман эрурман бандаларнинг озгуни.

Гарчи банданг мунда бўлса рўсиях,  
Юзларин ок айлагил Махшар куни.

Холико, ёрлико халки омани,  
Ўртада мандек маосий хомани.

Хашрда хар кимга келса бир битик,  
Анда бергил, ўнг кўлумга номани.

Холико, тутдум фарогат хобини,  
Истадим доим жахон асбобини.

Гарчи Оллоёр эрур гарки гунох,  
Оч анга ўлганда раҳмат бобини.

Холико, кам айладим кўйи амал,  
Яхшилардек' юрмадим сўйи амал.

Сан карам бирла Киёмат даштида,  
Айлагил огир тарозуйи амал.

Холико, дийдамга ашк зори бер,  
Кўнглума доим мухаббат ёри бер.

Оби Кавсардин мани сероб этиб,  
Хам манга кўфрук ўтарда ёри бер.

Холико, лутф айла жаннатун — наъим,  
Килмагил харгиз гирифтори жахим.

Ман гунохлик кул эрурман, Сан гофур,  
Ман хатолик бандадурман, Сан карим.

Холико, туз айлагайсан рохимиз,  
Мустажоб этгил дуову охимиз.

Тонгла хайрон бўлса халк ўз холига,  
Мустафони кил шафоатхохимиз.

Холико, лутф эт гадои зоринга,  
Бандадурман розиман хар коринга.

Магфират дарёсига гаркоб этиб,  
Кўзларим шойиста кил дийдоринга.

Холико, умр айладим фоний билан,  
Эмди банданг зор айлар жони билан.

Гарчи Оллоёр эрур зору забун,  
Жонни ол нури иймони билан.